

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА
СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

ИҚТИСОДИЁТ ВА БОШҚАРУВ ФАКУЛЬТЕТИ

Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти ва бошқарув кафедраси

« Т А С Д И Қ Л А Й М А Н »
факультет декани _____
и.ф.н., доцент Х.Х.КОМОЛОВ
« ____ » _____ 2015 йил.

«Ҳимояга рухсат этаман»
кафедра мудири _____
доцент О.А.ШЕРМАТОВ
« ____ » _____ 2015 йил.

**Фермер хўжалигини бошқариш ва юритиш таълим
йўналишининг битирувчиси
Холдарохунов Умиджон Исроил ўғлининг**

У
БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу: Қўрғонтепа туманидаги “Холдар ота” фермер хўжалигида кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш асосида иқтисодий самарадорликни ошириш омиллари.

БМИ раҳбарлари:

и.ф.н. Б.Абдуллаев,
ассистент: Ж.Қурбонов

Бажарувчи:

У.Холдарохунов

Андижон - 2015

М у н д а р и ж а

№	Мазмуни	Бетлар
	Кириш.	3-6
1-боб: Иқтисодиётда кичик бизнес ва тадбиркорликнинг шаклланиши ва уни ривожлантиришнинг назарий асослари.		
1.1	Кичик бизнес ва тадбиркорликнинг назарий асослари ва ўзига хос хусусиятлари.	7-13
1.2	Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятининг турлари ва унга таъсир этувчи омиллар.	14-21
2-боб: Қўрғонтепа туманидаги “Холдар ота” фермер хўжалиги фаолиятида кичик бизнес ва тадбиркорликдан фойдаланиш ҳолати.		
2.1	Қўрғонтепа туманидаги “Холдар ота” фермер хўжалигининг жойлашган ўрни ва таснифи.	22-31
2.2	Қўрғонтепа туманидаги “Холдар ота” фермер хўжалигида иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари ва уларнинг таҳлили.	32-44
3.3	Чорвачиликнинг қорамолчилик тармоғида гўшт етиштириш технологияси.	45-51
3-боб: Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш асосида Қўрғонтепа туманидаги “Холдар ота” фермер хўжалигида иқтисодий самарадорликни ошириш омиллари.		
3.1	Қўрғонтепа туманидаги “Холдар ота” фермер хўжалигида иқтисодий самарадорликни ошириш омиллари.	52-59
3.2	Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлашни ривожлантириш йўллари.	60-68
	Хулоса ва таклифлар.	69-72
	Фойдаланилган адабиётлар.	73-77

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодиётининг асосий тармоғи бўлган аграр соҳани ривожлантиришда қатор иқтисодий ислохотлар олиб борилди ва шу асосида мулкчилик муносабати шаклланиб, барча тармоқлар бозор муносабатларида фаолият кўрсатмоқда. Республика аграр соҳасининг барча тармоқларида маҳсулот етиштириш имкониятлари кенгайиб, ҳуқуқий асослар яратилди.

Мамлакатимизда барқарор ва самарали иқтисодиётни шакллантириш борасида амалга ошириб келинаётган ислохотлар бугунги кунда ўзининг натижаларини намоён этмоқда.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири – кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш ва уни самарали ташкил этишни таъминлашдан иборат.

Республика Президенти И.А.Каримов кичик бизнеснинг келажакда ривожланиш салоҳияти тўғрисида тўхталиб: «...муҳим устувор вазифалардан бири кичик бизнес ва фермерликни ривожлантириш борасидаги ишларни чуқурлаштириш ва қўламини кенгайтиришдан иборат»¹, дея таъкидлайди.

Мамлакатимизда ички бозорни сифатли товарлар билан таъминлаш, экспорт таркибида юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар улушини кўпайтириш ва янги иш ўринларини яратиш борасида амалга оширилаётган тизимли чора-тадбирлар доирасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг мамлакатимиз иқтисодиётида тутган ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

¹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишнинг йўллари ва чоралари. -Тошкент: «Ўзбекистон», 2009. - 41бет.

Хусусан, 2014 йилда мамлакат ялпи ички маҳсулотнинг 56 фоизи, ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 31,1 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келди. Шу билан бирга, иқтисодиётда жами иш билан банд бўлган аҳолининг 76,5 фоизи шу соҳада фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, фаолият юритаётган кичик бизнес субъектларининг сони 2014 йил давомида 20 мингтага ошиб, 2015 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 195 мингдан зиёдни (деҳқон ва фермер хўжаликларини ҳисобга олмаган ҳолда) ташкил этди.

Президент И.А.Каримов томонидан энг муҳим устувор вазифа сифатида «иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, бандлик муаммосини ҳал этиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишда тобора муҳим ўрин тутаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди»². Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни аграр соҳа тармоқларида ривожлантириш алоҳида ижтимоий-иқтисодий аҳамият касб этади. Агросаноат мажмуида иккиламчи ишлаб чиқариш ёки маҳаллий хом ашёлардан кенг фойдаланиш давлат иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу билан бирга, аграр соҳада кичик тадбиркорлик фаолиятини кенг кўламда ривожлантириш масалаларини кучайтиришнинг илмий-назарий жиҳатдан асосланиши ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Бугунги кунда Ўзбекистоннинг ялпи ички маҳсулотидаги агросаноат мажмуи улуши деярли 45 фоизни ташкил этади. Демак, аграр соҳадаги кичик тадбиркорлик салоҳиятидан самарали фойдаланиш асосида агросаноат маҳсулотлари экспорт ҳажмини ошириб бориш имкониятлари мавжуд. Шу нуқтаи-назардан аграр тармоқда кичик бизнес ривожлантириш, қишлоқ жойларида ёшларни

² Каримов И.А. Асосий вазифамиз - ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир.-Тошкент: «Ўзбекистон», 2010.- 42 бет.

иш билан таъминлаш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида қатор ишларни амалга оширишнинг объектив зарурлиги мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Битирув малакавий ишининг асосий мақсади фермер хўжаликларида кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш асосида самарадорликни ошириш, Қўрғонтепа туманидаги “Холдар ота” фермер хўжалигида кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш асосида иқтисодий самарадорликни оширишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат. Шу мақсадда битирув ишини тайёрлаш давомида қуйидаги вазифалар бажарилади:

Иқтисодиётда кичик бизнес ва тадбиркорликнинг шаклланиши ва уни ривожлантиришни назарий асослаш;

Қўрғонтепа туманидаги “Холдар ота” фермер хўжалиги фаолиятида кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолияти ривожланишининг ижтимоий-иқтисодий шарт шароитлари ва жадаллаштириш омилларини таҳлил қилиш;

Қўрғонтепа туманидаги “Холдар ота” фермер хўжалиги фаолиятида кичик бизнес ва тадбиркорликдан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари асослаш;

Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш асосида Қўрғонтепа туманидаги “Холдар ота” фермер хўжалигида иқтисодий самарадорликни ошириш омиллари юзасидан фикр-мулоҳазалар ва таклифлар тайёрлаш.

Тадқиқотнинг предмети ва ўрганиш объекти. Тадқиқотнинг предмети бозор иқтисодиёти шароитида фермер хўжалигида кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришни бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатлари ҳисобланади. Тадқиқотни ўрганиш объекти сифатида Қўрғонтепа туманидаги “Холдар ота” фермер хўжалигида кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш асосида иқтисодий самарадорликни оширишга қаратилган

Битирув малакавий ишининг амалий аҳамияти Битирув малакавий ишида билдирилган фикр ва мулоҳазалардан, қилинган хулосалардан ва

берилган таклифлардан Қўрғонтепа туманидаги “Холдар ота” фермер хўжалигида кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин. БМИ да билдирилган фикр-мулоҳазалардан ушбу ҳудудда жойлашган ва ихтисослиги мос келадиган бошқа фермер хўжаликлари ҳам фойдаланиши мумкин.

Илмий ишнинг таркибий тузилиши ва ҳажми. Битирув малакавий иши ---бет, учта боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатини ўз ичига олган.

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти, битирув малакавий ишининг амалий аҳамияти, таркиби ўз аксини топган.

Битирув малакавий ишининг “Иқтисодиётда кичик бизнес ва тадбиркорликнинг шаклланиши ва уни ривожлантиришнинг назарий асослари” деб номланган биринчи бобида кичик бизнес ва тадбиркорликнинг назарий асослари, унинг ўзига хос бўлган хусусиятлари, ривожланишига таъсир этувчи омиллар ҳамда ижтимоий-иқтисодий моҳияти ёритилган. Қўрғонтепа туманидаги “Холдар ота” фермер хўжалиги фаолиятида кичик бизнес ва тадбиркорликдан фойдаланиш ҳолати деб номланган иккинчи бобида Қўрғонтепа туманидаги “Холдар ота” фермер хўжалигининг жойлашган ўрни, таснифи, хўжаликда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожланиш ҳолати таҳлил қилинган. “Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш асосида Қўрғонтепа туманидаги “Холдар ота” фермер хўжалигида иқтисодий самарадорликни ошириш омиллари” деб номланувчи учинчи бобида амалга оширилган назарий ва амалий таҳлиллар натижасига таянган ҳолда Қўрғонтепа туманидаги “Холдар ота” фермер хўжалигида иқтисодий самарадорликни ошириш омиллари ва кичик бизнес ва тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

Битирув малакавий ишининг хулоса ва таклифлар қисмида тадқиқот натижалари бўйича хулоса ва таклифлар берилган.

I БОБ. ИҚТИСОДИЁТДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Кичик бизнес ва тадбиркорликнинг назарий асослари ва ўзига хос хусусиятлари

Бозор иқтисодиёти турли мулкчилик шаклларига, тадбиркорлик эркинлигига фикрига кўра, тадбиркор фойда олиш учун қандайдир тижорат ҳолатини амалга ошириш мақсадини кўзлаб таваккалчилик билан иш кўрувчи мулкдор деб тавсифланган. Ж.Б.Сей эса тадбиркорни максимал маҳсулот (фойда) олиш мақсадида ишлаб чиқариш омилларини бир-бирига уйғунлаштирувчи иқтисодий агент деб асосланган иқтисодий тизимдир. Иқтисодий адабиётларда бизнес, тадбиркорлик фаолиятига нисбатан турлича қарашлар мавжуд. Классик сиёсий иқтисод асосчиларидан А.Смит “иқтисодий олам” концепциясини ишлаб чиқди. Унинг атаган. Инглиз олими Ж.М.Кейнс иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш, самарали талабни, инвестицияга бўлган мойилликни рағбатлантириш орқали тадбиркорликни ривожлантириш ҳолатини илгари сурди. Тадбиркорлик назарияси асосчиларидан бири Й. Шумпетер тадбиркорни ишлаб чиқаришни ташкил этувчи, янги йўللари, комбинацияларни яратувчи деб атаган ва унинг асосий вазифаларини асослаган. Бир гуруҳ рус олимлари бизнес рус тилида “предприниматель”(тадбиркор) деган маънони англатади деб ҳисоблаб бизнесни фойда олишга қаратилган ишлаб чиқариш фаолияти деб таърифлайдилар. Аксарият адабиётларда ушбу тушунчалар бир-биридан фарқланиб, бизнес тушунчаси тадбиркорликка нисбатан кенгроқ маънода қўлланилади. В.А.Чжен раҳбарлигида тайёрлаган иқтисодий луғатда бизнес, биринчидан, умумиқтисодий тушунча сифатида, ҳўжалик субъектларининг фаолияти соҳаси кўлами, миқдори, ноиқтисодий хусусиятларини, иккинчидан битимларни, савдо операцияларини ифодалайди, деб таърифланади. Тадбиркорликка мунтазам янги имкониятларни излашга асосланган, кўзланган мақсадга эришиш учун турли манбалардан

ресурсларни жалб қилиш кўникмасига эга бўлган, инновацияни қўллашга қаратилган, новаторлик, маъмуриятчиликка зид бўлган хўжалик юритиш стили, сифатида таъриф берилган. Бизнинг фикримизча, мазкур таърифларда бизнес ва тадбиркорлик тушунчаларининг асл моҳияти тўла очилмаган. Уларда асосан бизнеснинг қўлланиш соҳалари, катта-кичиклиги, ошқора ёки яширинлиги ҳамда тадбиркорликнинг белгилари қандай бўлиши тўғрисида сўз боради.

Назаримизда А.Ўлмасов ва М. Шарифхўжаевлар ушбу икки тушунча мазмунининг анча тўлароқ очиб берганлар. Улар бизнес кенг маънодаги қонуний йўл билан даромад топишга қаратилган фаолиятдир”, “тадбиркорлик кишилар (мулкчилик субъектлари)нинг моддий ва пул маблағлари (капитал)ни амалда хўжалик оборотига тушириб, даромад топишига мўлжалланган иқтисодий фаолиятдир. Тадбиркорлик пул топишни эмас, балки яратувчанлик фаолияти орқали даромад олишни билдиради” деб таърифлаганлар.

Ҳақиқатдан ҳам пул топишга қаратилган ҳар қандай фаолиятни бизнес, тадбиркорлик тушунчалари билан ифодалаш мумкин эмас. Масалан, ёлланма ишчи, ходимнинг меҳнат фаолияти бизнес эмас. Ёлланма ишчининг мақсади олган иш ҳақи эвазига иш кучини такрор ишлаб чиқариш ва унинг шахсий эҳтиёжини қондиришдан иборат бўлади.

Ушбу тушунчаларнинг моҳиятини фаолият ва иқтисодий муносабатни ифодаловчи категория сифатида ечиб бериш мақсадга мувофиқдир. Шу нуқтаи-назардан бизнес иқтисодий категория сифатида даромад, фойда олиш мақсадида мулкӣ маъсулият ва жавобгарликка, иқтисодий таҳликага асосланган фаолият билан боғлиқ бўлган иқтисодий муносабатларни ифодалайди.

Тадбиркорлик бизнеснинг бир тури бўлиб, фойда олиш мақсадида капитал бошқа иқтисодий ресурслардан фойдаланишга асосланган товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятида содир бўладиган иқтисодий муносабатларни ифодалайди.

Бозор иқтисодиёти субъектларининг хўжалик фаолиятида “тадбиркорлик” ва “бизнес” тушунчалари ўзаро яқин бўлиб, амалиётда улар бир-бирини алмаштиришлари мумкин. Рус адабий тили луғатида “бизнесмен” гўёки тадбиркор, ишчан деб билинса, “бизнес” эса фаолият фойда келтирувчи машғулоти деб тушунилади. “Тадбиркор” ва “бизнесмен” каби тушунчалар билан ишлаб чиқариш, даллолчилик, савдо молиявий ва инновацион фаолиятлари билан шуғулланувчи ва маълум миқдорда даромад олиш ниятидаги инсон ифодаланади.

Ватанимиз ва хорижий давлат олимлари бозор иқтисодиёти жараёнини тадқиқ қилар экан, тадбиркорлик ва бизнесни иқтисодий фаолиятнинг бир тури деб қараб, бу тушунчалар хусусий шахслар, корхона, ташкилотлар томонидан даромад олиш мақсадида ўзининг ва шартномадаги шерикларининг манфаатларини кўзлаб, ишлаб чиқариш, товар сотиб олиш ва сотиш ёки бошқа товарлар, хизматларга ёки пулга айрибошлаш каби эркин хўжалик юритиш фаолиятини билдиради, деб ҳисоблайдилар.

“Тадбиркор” ва “бизнесмен” каби тушунчалар уларнинг иқтисодий фаолият соҳалари кўрилатганда маънодош деб ҳисобланмайди. “Бизнес” тушунчаси “тадбиркор”дан анча кам маънога эга деб қаралади. Гарб давлатларининг бозор иқтисодиёти ҳақидаги адабиётларида, бизнес жамиятнинг талаб ва хоҳишларини қондиришга қаратилган ишлаб чиқариш тизими, деб тушунтирилади.

Бизнес бозор иқтисодиётининг барча иштирокчилари орасидаги муносабатларни қамраб олади ва фақат ишбилармонларнинг эмас балки истеъмолчиларнинг, ёлланган ишчиларнинг давлат тизими хизматчиларининг ҳам хатти ҳаракатларини ўз ичига олади. Бу ҳолатда, бизнес сўзининг синонимлари бўлиб, маълум маънода тижорат, савдо-сотик каби тушунчалар ҳисобланади. Умумий кўринишда бизнес - бу кишининг бозор муносабати тизимидаги ишчанлик фаолиятидир.

Бинобарин, тадбиркорлик фаолиятини бизнеснинг бир шакли сифатида намоён бўлади ва унинг турли соҳаларида амалга оширилади.

Тадқиқот ишида бизнеснинг ўз таркибига тадбиркорлик, истеъмол, бойликдан бойлик ундириш ва касбкорлик бизнесларини олишларидан иборат.



1-расм. Бизнес шакллари ва уларнинг таснифи

Шунингдек, ишда тадбиркорликнинг:

- а) фойда ёки наф кўришига интилиш
- б) капитал-мулк ва капитал функциядан самарали фойдаланиш
- в) иқтисодий хатар, таҳликага асосланганлик
- г) ташаббускорлик, янгиликка интилувчанлик
- д) ўзаро иқтисодий алоқа маданияти ва кўникмаларига эга бўлиш
- е) ўзаро алоқалардан наф кўриш каби муҳим белгилари таҳлил қилинган.

Битирув малакавий ишида тадбиркорликнинг мумтоз ва инновация моделлари тадқиқ этилиб, улар учун хос хусусиятлари аниқланган. Мумтоз моделда тадбиркор ўз фаолиятини мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиб, юқори фойда олиш мақсадида ташкил этади. Инновацион

тадбиркорлик модели эса янги имкониятларни излашга қаратилагандир. Бу турдаги фаолият ўзи билан бирга ўзгаларнинг ресурсларини, янги техника ва технологияларни жалб қилишга асосланган, изланувчанлик, янгиликларга интилувчанлик фаолиятидир.

Бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётда тадбиркорлар фаолияти иқтисодий ресурслар ҳисобланиб, инсон ресурсларнинг таркибий қисмини ташкил қилади.

Тадбиркорлик фаолияти бозор хўжалигининг ажралмас қисми ҳисобланади. Тадбиркорлик тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалсада, унинг ҳозирги замон тушунчаси капитализмнинг вужудга келиши ва ривожланиши даврида шаклланди.

Юқорида айтилганидек, буржуа классик сиёсий иқтисодида “Тадбиркорлик” тушунчаси XVIII асрда пайдо бўлди ва кўпинча “мулкдор” ибораси билан бир хил тушинилган. У ўзи ишлаб чиқаришни ташкил қилади, режалаштиради, унинг натижаларига эгалик қилади.

Кейинчалик реал хўжалик ҳаётида қатнашувчи капиталнинг мулкдор капиталдан ажралиб чиқиши натижасида “тадбиркорлик” тушунчаси “мулкдор” тушунчасига тўғри келмай қолади, деган фикрлар ҳам бор эди.

Ҳозирги замон ғарб адабиётида ҳам тадбиркорлик фойда олиш мақсадини кўзлаб хўжалик юритиш санъати, иқтисодий ва ташкилий ижодкорлик, ташаббуснинг эркин намоён бўлиши, новаторлик, хавф-хатарга доим тайёр бўлиш ва шу каби кўп қиррали томонлари билан қаралади.

Бугунги кунда бизнинг иқтисодий тафаккуримиз аниқроғи бошқариш назарияси ҳам кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини шундай тушуниш томон бормоқда. Шу билан бирга, товар, рақобатли хўжалик туғилиши шароитида ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш тўғрисида гап кетганда, сўзсиз шахсий маҳорат, зеҳн, қизиқиш асосий роль ўйнайди.

Шу сабабли бизнинг республикамизда тадбиркорликка йўл оловчи ва унинг субъектлари ҳуқуқ ва мажбуриятлари тартибга солувчи биринчи қонуний ҳужжатда бу фаолият турли мулкый масъулият остида фойда олиш

учун фуқаро уюшмаларининг мустақил ташаббускорлик фаолияти сифатида таърифланади.

Аниқроқ айтганда тадбиркорлик мулк субъектларининг фойда олиш мақсадида (таваккалчилик) билан ҳамда мулкый жавобгарлик асосида, амалдаги қонунлар доирасида ўз ташаббуси билан иқтисодий фаолият кўрсатиш ва уни мувофиқлаштиришдир.


Бунда тадбиркорликнинг соф капиталистик эксплуататорлик моҳиятига олиб келувчи анъанавий синфий характеристикаси эмас, балки инсон фаолиятининг шу соҳадаги функционал вазифаси унинг жамиятда тутадиган ўрни ва ижтимоий роли кўзда тутилади.

Тадбиркор бозордаги эҳтиёж ёки истакни қондириш имкониятларини олдиндан кўра олади ва уларни қондириш ниятида зарур бўлган сармояларни жалб қилади, ишчи кучи ва ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш жараёнида бирлаштиради.

Кичик бизнес ва тадбиркорлик иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи куч ҳисобланади. У маълум мақсадга қаратилган фаолият бўлиб, аниқ шахслар хатти-ҳаракатида намоён бўлади. Тадбиркорлик билан юз минглаб кишилар банд бўлганидан уни ҳеч қачон бир марказдан бошқариб бўлмайди. “Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисида” ги қонунда тадбиркорларга ўз мол-мулкидан фойдаланиш эркинлиги, маҳсулотларни тақсимлаш мустақиллиги, ҳуқуқий тенглиги, иқтисодий ишчи ёллаш, чекланмаган даромад олиш имкони кафолатланади.

Тадбиркорлик фаолияти турли-туман фирмалар, компаниялар ва корхоналар ва бошқа бозор субъектлари фаолиятида ўз ифодасини топади.

“Тадбиркор” бу хўжаликни самарали юритувчи шахсдир. Умуман “қишлоқ хўжалик тадбиркори” ҳар томонлама пухта билимга эга бўлиши керак ва ўз иш фаолиятида тадбиркорликнинг бир нечта жиҳатлари билан шуғулланишига тўғри келади.



2-расм. Қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик жиҳатлари

- **тадбиркорлик техник жиҳатлари.** Шу техник жиҳатлар туфайли деҳқончилик, техника, чорвачилик ва бошқа соҳаларга тегишли бўлган билим ва малакаларга эга бўлиши керак.
- **иқтисодий молиявий жиҳатлар.** Булар харидорлар ва сотувчиларни, молия ва молиявий даромадни, улар орасида ўзаро боғлиқлик ва таъсирни ўз ичига олади. Маъмурий бошқарув бунинг бир қисмидир.
- **ижтимоий жиҳатлари.** Аграр соҳа тадбиркори юқорида кўрсатилган техник, иқтисодий-молиявий ва ижтимоий жиҳатлар асосида иш юритиш учун етарлича билимга эга бўлиши шарт. Қишлоқ хўжалик корхонасини бошқарувчи қарорларни тўғри қабул қила олиши керак, шу жумладан у техник ва молиявий маълумотларни ҳам ишлата билиши лозим. У тайёрлов ташкилотлари ва маслаҳат берувчи муассасалар томонидан таклиф қилинган имкониятлардан фойдалана билиши ҳам зарур.

Шундай қилиб, тадбиркор тўла ёки қисман моддий маблағига ёки молиявий ресурсларга эга бўлган ғайратли инсон бўлиб, у ушбу ресурсларни ўз ишини (бизнесини) ташкил қилиш учун ишга солади. У томонидан бунёд этилган корхона давлатимиздаги тараққий этаётган кичик бизнеснинг бир қисмига айланади.

1.2. Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятининг турлари ва унга таъсир этувчи омиллар

Инсон ўзини англаб етиши билан ҳамиша яхши яшаш ва ҳаётини эртага янада кўркамроқ қилишга интилади. Бу мақсадни моддий маблағ ва маънавий етукликсиз амалга ошириш қийин. Тадбиркорлик эса ушбу ниятларга эришишга имкон яратадиган асосий йўллардан бири ҳисобланади.

Янги иш бошлаган тадбиркорларнинг кўпчилиги ўз фаолиятларини жуда катта режалар билан амалга оширишга интиладилар, аммо уларнинг атиги 5-10 фоизи ниятига эришади, холос.

Агар тадбиркорлик фаолияти унинг мақсади ва вазифалари томонидан ёндошилиб талқин қилинса, у аввало бозор хўжалиги иқтисодий манфаатларини амалга оширувчи гумашта (агент) сифатида гавдаланади.

Янада аниқроқ маънода у бозор иқтисодиётининг алоҳида бўғинларида такрор ишлаб чиқариш борасида хизмат қилувчи ва фаолият кўрсатувчи ташкилий иқтисодий, молиявий, ҳуқуқий ва бошқа хўжалик муносабатларининг мажмуидир.

Тадбиркорлик тушунчасининг мазмуни унинг тўртта ўзаро боғлиқ вазифасини аниқлаш билан тўлиқ очилади.

1. Тадбиркор ўзига товар ёки (хизмат) ишлаб чиқаришнинг ягона жараёнида ер, капитал ва меҳнат ресурсларини бирлаштириш ташаббусини олади. Шу билан бирга тадбиркор бир вақтда ишлаб чиқаришнинг ҳаракатлантирувчи кучи ва ишлаб чиқаришни амалга ошириш учун бошқа ресурсларни бир жойга келтирувчи воситачи ҳисобланади.
2. Тадбиркор бизнесни юритиш жараёнида ўзига асосий қарорлар қабул қилишдек қийин вазифани олади, бу қарорлар корхона фаолиятининг мақсадини аниқлаб беради.
3. Тадбиркор - бу янги маҳсулотлар, янги ишлаб чиқариш технологияси ёки ҳатто бизнесни ташкил қилишнинг замонавий шакллари тижорат асосида киритишга ҳаракат қилувчи ташаббускор шахс ҳисобланади.

Тадбиркор - бу таҳлика (риск)га боровчи инсон. Буни унинг бошқа учта вазифасини чуқур ўрганиш кўрсатади. Бозор муносабатларига асосланган жамиятда тадбиркорга фойда кафолатланмаган. Унинг сарфлаган вақти, кучи ва қобилияти фойда ёки зарар билан тақдирланиши ва хатто синиши ҳам мумкин. Қисқача айтганда тадбиркор нафақат ўзининг вақти, меҳнати ва ишчанлик лаёқати, балки ўзи ёки ўз акционерлари ишлаб чиқаришга қўйган маблағлар билан таҳликага боради.

Аграр соҳада қуйидаги тадбиркорлик шакллари мавжуд:

- фаолият йўналиши бўйича: ишлаб чиқариш, тижорат, молиявий ва инновацион тадбиркорлик фаолияти;
- тадбиркорликнинг қандай вазифани бажаришга йўналтирилганига қараб: ишлаб чиқаришни бошқариш, молиялаштириш, воситачилик ва маслаҳатчиликка қаратилган тадбиркорлик;
- фаолият турларининг сони бўйича: битта соҳадаги ва кўп тармоқли тадбиркорлик;
- фаолият мураккаблиги бўйича: махсус билим талаб қилмайдиган, махсус билим талаб қиладиган, юқори технологияга ва нодир билимга асосланган тадбиркорлик;
- фаолиятнинг тармоқ йўналишлари бўйича: саноат, агросаноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва бошқа халқ хўжалиги тармоқларидаги тадбиркорлик.

Тадбиркорликнинг субъектлари жисмоний ва юридик шахслар бўлиши мумкин. Юридик шахслар деб, ўзига тегишли алоҳида мулкка эга бўлган, ўз номидан мулкӣ ва номулкий ҳуқуқларни ва мажбуриятларни оладиган, судда, арбитражда ва ҳакамлик судида даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилотларга айтилади.

Ҳуқуқий мақомга эга бўлган тадбиркорлик субъектларининг қуйидаги белгилари бўлади: ўз низомининг борлиги; юридик шахс бўлиб давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги тегишли ҳокимлик қарорининг мавжудлиги; ўзига тегишли мол-мулкнинг борлиги; банкда алоҳида ҳисоб рақамининг бўлиши; ўз белгиси туширилган думалоқ муҳри ва бурчак

штампининг, зарур ҳолларда, тегишли иш қоғозлари ва фирма белгиларининг борлиги.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг қуйидаги шакллари мавжуд:

- хусусий тадбиркорлик жисмоний ёки юридик шахслар (корхона) томонидан амалда ўзининг шахсий (хусусий) мулки асосида ташкил қилинади;
- жамоа тадбиркорлиги - фуқаролар гуруҳининг жамланма мулки асосида ташкил қилинади;
- тадбиркорлик - битта (ёки бир неча) юридик шахс (корхона) ва бир неча жисмоний шахслар мулкани бирлаштириш асосида ташкил қилинади;
- қўшма тадбиркорлик - икки ёки ундан ортиқ юридик шахслар (шу жумладан чет эл корхоналари)
- мулкани бирлаштириш йўли билан ташкил қилинадиган тадбиркорлик;
- шартномавий тадбиркорлик - мулк эгаси бўлмаган корхона раҳбари (ёки бошқа масъул лавозимдаги ходим - менежер) томонидан шартнома асосида амалга оширилади. Бунда мулк эгаси ёки унинг ишончли вакили (идораси) томонидан ишлаб чиқаришни уюштириш ва бошқариш бўйича белгиланган ҳуқуқ мажбуриятлар ва жавобгарлик ишга олинган томонга, яъни корхона раҳбари ёки бошқа масъул лавозимдаги ходимга юкланади;
- корхона раҳбари (ёки менежер) худди ишбилармон фуқарога мос тартибда рўйхатга олинади ва у каби масъулиятга эга бўлади.

Кичик бизнесда ишбилармонлик қуйидагича амалга оширилиши мумкин:

- юридик шахсни ташкил қилмасдан;
- юридик шахсни ташкил қилиб;
- ёлланган меҳнатдан фойдаланмасдан;
- ёлланган меҳнатдан фойдаланиб.

Ўзларининг мулк шакллари асосида кичик бизнесда қуйидаги корхоналар иштирок этиши мумкин, буларга: хусусий, жамоа, қўшма, аралаш ва бошқа корхоналар киради.

Тадбиркорлик мазкур гуруҳлашни шаклларининг ташкил этилганлик даражаси, фаолият соҳаси, банд бўлган ходимлар сони каби кўрсаткичларга асосан гуруҳланган ҳамда уларнинг афзаллиги ва салбий томонларини аниқлаши мумкин.

Бугунги кунда маърифатли бозор иқтисодиётининг муҳим талаби кам меҳнат сарфлаган ҳолда, кўпроқ ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш, кишиларнинг талаб ва эҳтиёжларини тўла қондириш ҳамда шу асосида фойда олишдан иборат. Бу борадаги ишлаб чиқариш жараёнидаги асосий ҳаракатлантирувчи куч ишбилармонликда, тадбиркорликдадир.

Иқтисодиётнинг стратегик йўналиши, шу жумладан аграр соҳада жамият ва фан олдига ишлаб чиқаришнинг мунтазам ривожланишини таъминлайдиган янгича иқтисодий муносабат ва ғояларни қарор топтириш, иқтисодни бошқаришни тубдан қайта ислоҳ қилиш, янгича хўжалик юритиш усуллари доимо излаб топиш ва уни амалий кундалик ҳаётга тадбиқ қилишни талаб қилмоқда. Бу қуйидаги омилларни ўз ичига олади.

Аграр соҳа тармоқларида кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришга таъсир кўрсатувчи омиллар таснифини кўриб чиқамиз. (3-расм).

Мазкур расмда келтирилган маълумотлардан кўришимиз мумкинки, ушбу омиллар тўртта асосий гуруҳларга яъни: ресурс омиллари, ишлаб чиқариш омиллари, ташкилий омиллар ҳамда сиёсий ва ҳуқуқий омилларга бўлинар экан. Бизнинг фикримизча, ушбу келтирилган омилларнинг ҳеч бирини бирламчи даражали, яна бирини эса иккиламчи аҳамиятга эга дейиш ноўрин бўлади, албатта. Лекин, ҳозирги давр талабидан келиб чиққан ҳолда кўпроқ эътиборни иқтисодий омилларга қатариш мақсадга мувофиқ бўлади, деб ҳисоблаймиз.


Бунда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг ўзаро иқтисодий муносабатлари тизими, уларни рағбатлантириш, кооперациялашуви ва интеграциялашуви жараёнларини ривожлантириш, молия, кредит муносабатларини ва суғурталаш тизимини доимий равишда

такомиллаштириб бориш асосида улар фаолиятида режалаштириш жараёнларини ҳамда ўрта ва узоқ муддатга ривожланиш истикболларини белгилаб олиш орқали фаолият кўрсатаётган бозорлар ривожланишини таъминлаш омиллари, бошқа гуруҳ омилларининг ҳам самарали бўлишлигини таъминлайди.

Булар соҳада барқарорликни таъминловчи энг муҳим элементларни тизимли таҳлили, иқтисодий механизм ролини очиб бериш, интеграцион жараёнларни ривожланиши ва уни моделлаштириш, ташкилий-иқтисодий жараёнларни бошқариш тўртта асосий блокка бирлаштирилган ресурс, иқтисодий, ташкилий, сиёсий ва ҳуқуқий бошқарув органлари ролини оширишдан иборат.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, аграр соҳада кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожланиш тенденцияларини аниқлаш, уларнинг самарадорлигини баҳолаш йўллариини услубий чуқурлаштириш ва кенгайтириш ҳамда тегишли бошқарув қарорларини қабул қилиш мумкин. Шунингдек:

- моддий ишлаб чиқариш соҳасига кўпроқ ишбилармон тадбиркор ва билимдон кишиларни жалб этиш;
- менежер, маркетинг, тадбиркорлик ва бозор иқтисодиёти соҳаси бўйича, турли мутахассислар учун ҳар томонлама доимо янги билим беришни кенг тадбир чораларини амалга ошириш;
- ҳозирги бозор иқтисодиёти муаммоларини ечадиган ҳар соҳадаги мутахассисларни тайёрлаш;
- ишлаб чиқариш жараёнларини рақобатга чидамли қилиб ташкил этиш;
- мулкнинг аксарият қисмини давлат тасарруфидан чиқариш, турли ҳил мулкчилик шакллариини жорий қилишни тезлаштириш;
- жойларда маҳсулотларни қайта ишлайдиган кичик корхоналар ташкил этиш;
- шахсий ёрдамчи хўжаликларни янада ривожлантириш;



3-расм. Қишлоқ хўжалиги тармоқларида кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришга таъсир қилувчи омиллар таснифи

- хусусий мулкчиликка кенг имкон бериш;
- биргаликда аралаш корхоналар қуриш йўлига ўтиш;
- тайёрлов ташкилотлари фаолиятини яхшилаш, маҳсулотлар нобуд бўлишига чек қўйиш;

- ижара, пудрат, деҳқон хўжалиги кўринишларидаги хўжалик юритиш усулини қўллашни янада ривожлантириш;
- меҳнат интизомини мустаҳкамлаш;
- рағбатлантириш принципига тўла амал қилиш;
- давлат бозор иқтисодиёти соҳасидаги стратегик йўналишлар сиёсатини тартибга солиб, бошқариш ролини такомиллаштириб бориш;
- чет эл муносабатларини мустаҳкамлаган ҳолда уларнинг капиталларидан унумли фойдаланиш;
- молия-кредит, солиқ ва банк ишларини такомиллаштириш ва ҳ.к.

Бизнес билан шуғулланмоқчи бўлган тадбиркор, тадбиркорлик фаолиятининг кўринишларини билиши керак. Энг аввало ҳуқуқий тушунчалар билан танишиш, фаолиятида уларни фарқлай билиши зарур.

Ўзбекистон Республикасининг тадбиркорлик тўғрисидаги қонунига биноан тадбиркорлик фаолиятининг қуйидаги кўринишлари мавжуд:

- якка тартибдаги меҳнат фаолияти;
- хусусий тадбиркорлик фаолияти, ёлланма ишчи кучи ёрдамида олиб борилади;
- ширкат тадбиркорлиги, фуқаролар гуруҳи томонидан олиб борилади;
- аралаш тадбиркорлик юридик шахс ҳамда фуқаролар томонидан мол мулкни ўртага ташлаш йўли билан олиб борилади.

Юқорида санаб ўтилган шаклларнинг биринчисидан ташқари, барчасида иш бошлаш учун корхоналар тузиш керак. Шунинг учун корхона турлари, у билан чамбарчас боғлиқ бўлган юридик шахс тушунчалари билан яқинроқ танишамиз.

Ўзбекистонда қабул қилинган корхоналар тўғрисидаги қонунга биноан, уларнинг турлари қуйидагилардир.

- Резидент ва норезидент мамлакатлар фуқароларининг якка ҳол мулкига асосланган хусусий ва шахсий корхоналар жамоалар, оилалар, маҳаллалар, кооперативларнинг ширкат мулкига асосланган корхоналари;

- давлат мулкига мансуб корхоналар. Уларнинг кўринишлари республика, муниципалитет шаҳар, туман ва ҳ.к корхоналари;

- қўшма мулкка асосланган корхоналар.

- Ўзбекистонда қабул қилинган корхоналар тўғрисидаги қонунда: - ҳар бир корхона юридик шахс ҳуқуқига эга мустақил хўжалик юритувчи субъектдир, - деб ёзилган. Тадбиркорлик тўғрисидаги қонунда эса: - тадбиркорлар ўз мулклари доирасида жавобгардирлар, - дейилган.

- Ҳар қандай корхона ҳам юридик шахс бўлавермайди. Фақатгина қонунда кўрсатиб ўтилган корхоналар шундай статусга эгадир.

- Юридик шахсларнинг қуйидагича ўзига хос белгилари бўлади:

- бундай корхоналарга ўз номига эга бўлиш ҳуқуқи берилади;

- унинг ўзига тегишли мулки бўлади;

- агарда қарзи бўлса, бу корхона фақат ўз мулки миқдори доирасида жавоб беради;

- ўз номидан турли шартномалар тузадилар, хўжалик фаолиятида қатнашадилар.

- Юридик шахслардан фарқли ўлароқ, ноюридик шахс бўлган корхоналар қарзлари бўйича нафақат ўз мол-мулки, балки уни тузувчилар, таъсис қилувчилар мулки билан жавоб берадилар. Бошқача қилиб айтганда, уларнинг жавобгарлик доираси кенгроқ бўлади.

Айтиб ўтилган тадбиркорликнинг шакллари ёки корхона турлари, одатда, кичик корхоналарга хосдир. Йирик корхоналар эса аксарият ҳолларда акциядорлик жамиятлари кўринишида ташкил этилади.

II БОБ. ҚЎРҒОНТЕПА ТУМАНИДАГИ “ХОЛДАР ОТА” ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ ФАОЛИЯТИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИКДАН ФОЙДАЛАНИШ ҲОЛАТИ

2.1. Қўрғонтепа туманидаги “Холдар ота” фермер хўжалигининг жойлашган ўрни ва таснифи

Мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигининг асосий таянчи бўлган қорамолчилик тармоғи ва уларни самарали фаолият юритиши қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бўлган гўшт ва сут ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, сифатини яхшилашга катта ҳисса кўшиб келмоқда. Хусусан, қишлоқ хўжалигида мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклини ўзгартириш, экин майдонлари билан таъминлаш, ишлаб-чиқаришга янги техника ва илғор технологияларини жорий этиш, зотли чорва ҳайвонлари билан таъминлаш, наслчилик ишларини тубдан яхшилаш, зооветеринария хизматларини яхшилаш, асосий воситалар ва зарурий жихозлар билан таъминлаш борасида кенг қамровли, шу билан бирга, пухта ўйланган ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Холдар ота фермер хўжалиги Қўрғонтепа туманининг Намуна массивининг Савай қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган.

Фермер хўжалиги шарқ томондан “Олтин тупроқ сири” фермер хўжалиги билан, жануб томондан “Мавж урган диёр” фермер хўжалиги билан, шимол томондан “Яшнаган диёр чамани” фермер хўжалиги билан ва ғарб томондан “Андижон боғлари” фермер хўжалиги билан чегарадошдир.

Фермер хўжалиги вилоят марказидан 50 километр, туман марказидан 8 километр узоқликда жойлашган. У пахта тозалаш заводидан 12 км, дон маҳсулотларини қабул қилиш корхонасидан 6 км, нефт базасидан 3 км, туман ОАЖ ММТПсидан 10 км, Пиллакашлик корхонасидан 9 км, Ўзкимё ташкилотидан 5 километр узоқликда жойлашган. Фермер хўжалиги Савай

темир йўл станциясидан 4 км ва Андижон-Қўрғонтепа асфальт йўлидан 8 км узоқликда жойлашган.

Хулоса қилиб айтганда, фермер хўжалигининг жойлашган ўрни қулай бўлиб, келажакда бу имкониятлардан самарали фойдаланиш мумкин.

Мамлакатимизда фермер хўжаликларига берилаётган имкониятлар, шарт-шароитларга асосан “Холдар ота” фермер хўжалиги Қўрғонтепа туман ҳокимининг 2003 йил 15 декабрдаги №408 сонли қарори билан юридик шахс сифатида ташкил топди.

Қўрғонтепа туманининг об-ҳаво ва иқлим шарт-шароити кескин континентал (ўзгарувчан) бўлиб, ёз кунлари иссиқ, қиш кунлари эса совуқдир. Ёз фаслида ҳаво ҳарорати +36 +40 даражагача кўтарилса, қиш фаслида -14 -15 даражагача пасайиши мумкин. Йиллик ёғин миқдори талаб даражасида бўлмаганлиги сабабли суғориб деҳқончилик қилинади. Хўжаликдаги ўртача кунлик ҳарорат 18 градусга ва намлик 22,0 миллиметрга тенг.

Қўрғонтепа туманидаги “Холдар ота” фермер хўжалиги ўзини иқтисодий муносабатларини олиб боришда асосан тумандаги Пахта тозалаш заводи, Дон маҳсулотлари қабул қилиш шаҳобчаси, туман ОАЖ МТПси, туман Ўзқишлоқхўжаликкимё ташкилоти, туман Пиллакашлик корхонаси, туман Ёнилғи мойлаш материалларини тарқатиш нефть базаси, Ўсимликларни кимёвий ва биологик ҳимоя қилиш ташкилотлари, Сув истеъмолчилари уюшмаси, шу билан биргаликда тумандаги молиявий институтлар бўлмиш банк, молия, солиқ, суғурта ва бошқалар билан олиб бормокда.

Қўрғонтепа туманидаги “Холдар ота” фермер хўжалиги 2003 йилда 10,7 гектар ерга узоқ муддатли ижара ҳуқуқи асосида ўз фаолиятини бошлаган эди. Ҳозирги кунда уни жами ер майдони 10,7 гектарни ташкил этади. Ер участкаси 1 суғориш картасидан иборат бўлиб ўртача суғориш картасининг ҳажми 10,7 гектарга тенг.

Қўрғонтепа туманидаги “Холдар ота” фермер хўжалиги ижарага олдинган ер участкаларини умумий ҳолати

1-жадвал

Номи	Майдон (га)	Номи	Майдон (га)
Сувли хайдаладиган	10	Курилишлар ўрни	
Лалми хайдаладиган	-	Ихота дарахтлар	-
Боғлар	-	Сув ости ерлар	0,5
Узумзорлар	-	Йўллар, уватлар	0,1
Тутзорлар	0,1	Курилиш билан банд ерлар	-
Пичанзорлар	-	Бошқа ерлар	
Бўз ерлари	-	Мелиоратив курилиш ҳолатидаги ерлар	-
Яйлов ерлари	-	Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган бошқа ерлар	-

Фермер хўжалигига ер участкаси 49 йил муддатга ижарага берилган ер участкасини суғоришда Савай сув истеъмолчилари уюшмаси орқали оқава сувлардан фойдаланади. Фермер хўжалиги чорвачиликка, хусусан қорамолчилик йўналишига ихтисослашган.

“Холдар ота” фермер хўжалиги Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки Қўрғонтепа филиалида ўз ҳисоб рақамини очган бўлиб, банк ҳ\р 20208000804037532001, МФО 00841 солиқ тўловчининг ИНН 203181274 билан ўз молиявий операцияларини амалга ошириб келмоқда.

Қўрғонтепа туманидаги “Холдар ота” фермер хўжалик ерлари “Намуна” массивида жойлашган. 2-жадвалда Холдар ота фермер хўжалигининг узоқ муддатли ижарага берилган ер участкасининг ҳолати ҳақидаги маълумотлар берилган.

Холдар ота фермер хўжалигига ажратилган ер участкаси 10,7 гектарга тенг бўлиб, у 4 кадастр гуруҳининг 7 синфига тааллуқли. Ер участкасининг банитет балли 64 га тенг бўлиб, у 1 та контурдан иборат.

Қўрғонтепа туманидаги “Холдар ота” фермер хўжалигини ижарага олдинган ер участкаларини умумий ҳолати

2-жадвал

Контур тартиб рақами	Умумий ер майдони	Шундан						Бонитет бали
		Экин ери	Тутзор	Ариқ зовур	Йўл лар	Иморат остида	Бошқа ерлар	
119	10,7	10,0	0,1	0,5	0,1	-	-	64

Фермер хўжалигида суғориш карталарининг хажми техника воситаларидан, меҳнат ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, ҳамда янги технологияларни жорий этиш имкониятларини беради.

Қўрғонтепа туманидаги “Холдар ота” фермер хўжалигига ижарага олган ер участкаларини контурлар бўйича тақсимооти

3-жадвал

т/р	контур рақами	ўртача бонитет балл	ер майdonи (га)	Кадастр гуруҳлари									
				ёмон ерлар		ўртачадан паст ерлар		ўртача ерлар		яхши ерлар		энг яхши ерлар	
				Шу жумладан, кадастр гуруҳлар бўйича									
				I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X
				банитет баллари									
				1- 10	11- 20	21- 30	31- 40	41- 50	51- 60	61- 70	71- 80	81- 90	91- 100
1	119	64	10,7							10,7			
х	Жами	64	10,7							10,7			

Ажратилган ер участкаларни 0,5 гектари ариқ ва зовурлар, 0,1 гектари йўллар билан, 0,1 гектари тут плантация ва 10 гектари ёки 93 фоизи экин майдони кўринишида фойдаланиб келинган. Хўжаликни 10 гектарли экин майдонини 5 гектари буғдой экини билан, 2 гектари беда экини билан, 3

гектари маккажўхори экини билан банд бўлган. Хўжаликни ер участкалари 1 та контурдан иборат бўлиб, тупроқ унумдорлиги 64 балга тенг.

Қўрғонтепа туманидаги “Холдар ота” фермер хўжалиги ерларида сизот сувлари 5-6 метр чуқурликда жойлашган. Хўжалик тупроқлари типик бўз тупроқдан иборат бўлиб, тупроқда 1,6-1,8 фоизгача чиринди ва 0,1-0,2 фоизгача азот борлиги билан характерланади. Тупроқдаги чиринди миқдори ўртача.

Экинлардан юқори ҳосил олиш учун минерал ўғитлардан фойдаланиш зарур. Шундан келиб чиқиб, ҳар бир гектар ҳисобига соф ҳолида азотли ўғитни 160-200 кг.ни; фосфорли ўғити 170-190 кг.ни; калий ўғитни 70-95 кг.ни ва органик ўғит солиш меъёри 10-15 тоннани ташкил этади.

Қўрғонтепа туманидаги “Холдар ота” фермер хўжалиги чорвачиликка ихтисослашган. Хўжалик ўз фаолиятини узоқ ва қисқа муддатга олган кредит ҳисобига олиб бормоқда. Қисқа ва узоқ муддатли кредитларни йиллик даромад ҳисобига тиклаб келмоқда.

Фермер хўжалигини 2014 йилги устав фонди 6,0 млн. сўмни, асосий воситалар қиймати 22580 минг сўмни, дебиторлик қарзлари 13239 минг сўмни ва кредиторлик қарзлари 2896 минг сўмни ташкил этган. Қўрғонтепа туманидаги “Холдар ота” фермер хўжалиги 2014 йилда жами 162339 минг сўмлик харажат сарфлаб, 179629 минг сўмлик ялпи маҳсулот ва 16285 минг сўмлик фойда олишга эришилган. Хўжаликни асосий иқтисодий кўрсаткичи бўлган рентабеллик даражаси 8,5 фоизни ташкил этди. Рентабеллик кўрсаткичи 3 йил ичида 0,4 даражага ошган. Рентабелликни ошиши бевосита фермер хўжалигини иқтисодий фаолиятини мустаҳкамлашга ижобий таъсир этди.

Қўрғонтепа туманидаги “Холдар ота” фермер хўжалиги 2014 йилда жами 5 та аъзо бўлиб, хўжаликнинг доимий аъзоларидан ташқари барчаси 1 йиллик меҳнат шартномасига асосан фаолият кўрсатиб келмоқда, ишлаб чиқариш бўйича иш тажрибалари талаб даражасида, лекин уларни касбий тайёргарлиги ва маълумоти тўғрисида бундай хулосага келиш мумкин эмас.

Хўжалик аъзолари ичида 4 та ўрта махсус ва 1 та ўрта маълумотга эга. Хўжалик аъзолардан 4 таси эркакларни ва 1 таси аёлларни ташкил этади.

Юқоридаги келтирилган маълумотлар фермер хўжалиги таркибини хали талаб даражасидан анча паст эканлигини асослайди. Шунинг учун хўжалик раҳбарияти ишчиларни касбий тайёргарликка ва ишлаб чиқариш тажрибасига эга бўлган ходимлар ҳиссасини кескин ошириш чоратadbирларини кўриши лозим.

Қўрғонтепа туманидаги “Холдар ота” фермер хўжалигининг аъзолари ва уларнинг таркиби тўғрисида маълумот

4-жадвал

т/р	Аъзоларнинг исми ва шарифи	Туғилган йили	Маълумоти	Касби	Иш стажи	Бошлиққа алоқаси
1.	Содиқохунов И.	1964	ўрта-махсус	агроном	25	Ўзи
2.	Мадаминов У.	1991	ўрта-махсус	ишчи	3	йўқ
3.	Рахмоналиев Б.	1972	ўрта-махсус	ишчи	18	йўқ
4.	Муллаев Ж.	1988	ўрта-махсус	ишчи	6	йўқ
5.	Аъзамова Г.	1978	ўрта	ишчи	12	йўқ
6.	Меҳмонов А.	1983	ўрта-махсус	ишчи	10	йўқ

Хўжалик аъзоларидан боқувчи ва соғувчиларга ҳар ойда 320 минг сўмдан, гектарчиларга 250 минг сўмдан, сувчига ҳар гектари учун 35 минг сўмдан иш ҳақи тўлаб борилади. Иш ҳақи нақд пул ва маҳсулот кўринишида тўланади. Бундан ташқари, фермер хўжалиги томонидан ишчиларга буғдой сомони ва буғдойдан бўшаган майдонларда бирор-бир экин экиб олиш учун ер ажратиб берилади.

Фермер хўжалик фаолиятини хўжалик раҳбари орқали бошқариб борилади. Фермер хўжалиги раҳбари Содиқохунов Исроилжон Холдарохунович 1964 йилда Қўрғонтепа туманида таваллуд топган,

маълумоти ўрта махсус, Андижон қишлоқ хўжалик техникумини 1990 йил тамомлаган, агроном мутахассислигига эга

Содиқоҳунов Исроилжон Холдароҳунович 25 йиллик иш стажига эга бўлган мутахассис, Қўрғонтепа туманидаги Савай жамоа хўжалигида кўп йиллар ишлаган, турмуш ўртоғи Содиқоҳунова Нағризахон, маълумоти ўрта, уй бекаси. Содиқоҳунов Исроилжон Холдароҳунович иш тажрибаси фермер хўжалигини бошқаришда, ишни ташкил этишда ва аъзоларни бошқаришда кўл келмоқда.

Содиқоҳунов Исроилжон Холдароҳунович 2003 йилдан бошлаб Қўрғонтепа туманидаги “Холдар ота” фермер хўжалигини бошлиғи вазифасини бажариб келмоқда. Жами иш стажы 25 йил бўлиб, қишлоқ хўжалигида 25 йилдан буён ишлайди. Фермер хўжалигини ташкил қилгунга қадар Қўрғонтепа туманидаги “Савай” жамоа хўжалиги ишчиси лавозимида ишлаб келган.

Содиқоҳунов Исроилжон Холдароҳунович “Холдар ота” фермер хўжалигини тендерда иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритиш натижасида ташкил этган.

Қўрғонтепа туманидаги “Холдар ота” фермер хўжалиги Савай СИУсига аъзо бўлган. СИУ хўжаликни деҳқончилик ишларини амалга ошириш учун Савай ариқ каналидан олинган оқава сув билан таъминлайди. Айрим ҳолларда хўжалик насослардан ҳам фойдаланиб келади.

Қўрғонтепа туманидаги “Холдар ота” фермер хўжалиги «Фермер хўжаликлар тўғрисида» ги қонунга, туман ҳокимлигининг қарорига, туман ҳокимлиги томонидан тасдиқланган Низомга, бизнес режага ҳамда туман ҳокимлигининг «Кадастр» бўлими томонидан берилган далолатномага асосан ташкил этилган. Хўжалик фаолияти давлат томонидан чиқарилган қонунларга, қарорларга, фармонларига ва тегишли меъёрий ҳужжатларга асосан амалга ошириб келинмоқда.

Қўрғонтепа туманидаги “Холдар ота” фермер хўжалигининг Низом фонди 6,0 млн. сўмни ташкил қилади. Фермер хўжалиги ўзига қарашли

хўжалик иморатлари, ишлаб чиқариш воситалари, экинзорлари, пул маблағлари ва бошқа мулкларини эгаси ҳисобланади. Фермер хўжалигини пул даромади маҳсулот сотиш ва хизмат кўрсатиш, қимматли қоғозлардан олинган дивидент ҳисобига шаклланади.

Олган пул даромаддан харажатларни қоплаш, иш ҳақи тўлаш, турли ажратмаларни ажратиш, кредит ва устамаларни тўлаш, янги техника ва технологияларни харид қилишга ишлатади.

Хўжалик ўзини иқтисодий муносабатларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 4 сентябр 2003 йилдаги «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида шартномавий муносабатларни такомиллаштиришнинг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги 383-сонли қарорига мувофиқ олиб бормоқда. Ушбу қарорга мувофиқ хўжалик давлат буюртмаси бўйича ғалла сотиш контрактация шартномасини тузган.

Бундан ташқари, Қўрғонтепа туманининг МТП ОАЖ ташкилоти билан қишлоқ хўжалик ишларини механизация воситалари билан бажариб бериш; «Қишлоқхўжаликкимё» ОАЖ туман шаҳобчаси билан хўжалик экинларини ўғитлашда минерал ўғитларни етказиб бериш; туман нефти базасига қарашли Ёнилғи-мойлаш материалларини тарқатувчи шаҳобча орқали, хўжаликда қишлоқ хўжалик экинларни етиштиришда бажариладиган механизация ишларини ёнилғи-мойлаш материаллари билан таъминлаш; хўжалик экинларини хашорат ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш бўйича биолоботория билан; экинларга сув етказиб бериш бўйича массивдаги СИУ билан шартномалар имзолаган.

Қўрғонтепа туманидаги “Холдар ота” фермер хўжалигини моддий техник базаси ўртача таъминотга эга.

Асосий воситалар деб - ишлаб чиқариш жараёнида кўп марта қатнашиб, ўзининг қийматини маҳсулотга қисман ўтказадиган воситаларга айтилади.

Асосий воситалар таркибига: тракторлар, комбайнлар, қишлоқ хўжалиги машиналари, автомашиналари, бино-иншоотлари, кўп йиллик

дарахтзорлар, ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар ва бошқа узоқ муддат фойдаланиладиган воситалар киради.

Асосий воситаларни 10,18 млн. сўми ёки 45,8 фоизи биноларни ҳиссасига, 23,0 млн. сўми ёки 5,2 фоизи тракторлар ҳиссасига ва 7,2 млн сўми ёки 31,7 фоизи қишлоқ хўжалик тиркалма воситалар ҳиссасига тўғри келади.

Бир гектар экин майдони ҳисобига 2258 минг сўмдан асосий воситалар қиймати тўғри келган, шундан 5090 минг сўмлик бинолар қиймати, 2560 минг сўмлик тракторлар қиймати ва 3560 минг сўмлик тиркалма воситалар қиймати тўғри келмоқда.

Барча техникалар ва қишлоқ хўжалик машиналарнинг техник жиҳатдан созлиги талаб даражасида бўлиб мунтазам техник кўриклардан ўтказилиб турилади.

Қўрғонтепа туманидаги “Холдар ота” фермер хўжалигининг асосий воситалари ҳақида маълумот

5-жадвал

т/р	Воситалар тури	Миқдор	Маркаси	Сотиб олинган йили	Баланс қиймати, млн. сўм	Сотиб олиш усули
1.	Хўжалик бинолари	3	Оддий	2003	10,18	Кредит
2.	Трактор	1	T28X-4	1995	5,2	Ўз маблағ
3.	Барана	1	БР-3	1995	1,2	Ўз маблағ
4.	Сеялка	1	СЭ-5	1996	2,2	Ўз маблағ
6.	Тр. прицепа	2	2ПТС	2004	2,0	Ўз маблағ
7.	Чизел	1	ЧВ-2	1999	1,8	Ўз маблағ
	Жами	9	Х	х	22,58	Х

Хўжаликда асосий воситалар етарли эмас, келгусида хўжалик раҳбари 1та самон присловгич, 1та ўғитловгич ва 1та пурковгич сотиб оломоқчи. Бундан ташқари “Холдар ота” фермер хўжалиги туман МТП билан шартнома тузиб техникалардан фойдаланади.

Қўрғонтепа туманидаги “Холдар ота” фермер хўжалиги танлов асосида узоқ муддатли ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда

қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи юридик субъект ҳисобланади.

Фермер хўжалиги туман ҳокимлигида рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб юридик шахс мақомини олган ва ўз номидан шартномалар тузиш, мулкӣ жавобгарликни ўз зиммасига олган.

Қўрғонтепа туманидаги “Холдар ота” фермер хўжалиги турли ташкилотлар билан зарурий ҳомашё харид қилиш ва чорвачилик маҳсулотларини сотиш бўйича барча муносабатларни шартномалар асосида амалга ошириб келмоқда.

Қишлоқ хўжалик корхоналари етиштирган маҳсулотларни сотишга Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг, деҳқон ва фермер хўжаликларининг кенгашларининг жойлардаги бўлимлари ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар амалий ёрдам беришлари зарур. Шу билан бирга, қишлоқ хўжалик корхоналарида бозорни ўрганиб, савдо-сотиқ ишларини ривожлантирадиган маркетинг бўлимлари ташкил этиб, уларни ривожлатиришга алоҳида эътибор бериш лозим.

Қишлоқ хўжалик корхоналари ишлаб чиқаришининг самарали ривожланишини таъминлаш мақсадида етиштирган маҳсулотларни маълум қисмини ўзи такрор ишлаб чиқариши учун уруғликка, кўчат етиштиришга, емга, озуқага сарфлайди, ишчи-хизматчиларни ижтимоӣ муҳофаза қилиш мақсадида иш ҳақи эвазига, умумӣ овқатланишига берилади. Буларнинг ҳаммаси ҳозирча таннархда берилади. Ҳозирги даврда хўжаликлар аҳолини ижтимоӣ муҳофаза қилиш мақсадида иқтисодӣ ночор оилаларга, кексаларга, болалар уйларига ҳайрия шаклида ҳам ўз маҳсулотларини бермоқдалар.

2.2. Қўрғонтепа туманидаги “Холдар ота” фермер хўжалигининг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари ва уларнинг таҳлили

Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган аграр сиёсат, фермер хўжаликларининг ерга, етиштирилган маҳсулотга эгалигини янада мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариш жараёнида ер ва бошқа ресурслардан янада самарали фойдаланиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳажми ва сифатини ошириш, пировард натижада фермер хўжаликлари фаолиятининг иқтисодий барқарорлигини таъминлашга қаратилмоқда.

Иқтисодиётни изчил ва барқарор ривожланишни таъминлашда келгуси давр учун пухта ва ҳар томонлама асосланган чора-тадбирлар, муҳим вазифа ва йўналишлар, турли даражалардаги иқтисодий тарраққиёт дастурининг ишлаб чиқиши ва аниқ белгилаб олиниши муваффақият гарови ҳисобланади. Айни пайтда, босиб ўтилган йўл – олдинги даврдаги эришилган ютуқ ва натижаларни танқидий баҳолаш орқали тегишли хулосалар чиқариш, улар асосида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини янада такомиллаштириб бориш ҳам муҳим принципиал аҳамият касб этади.

Фермер хўжалигининг ривожланиш имкониятлари кўп жиҳатдан унинг иқтисодий самарадорлигига боғлиқдир. Иқтисодий самарадорликка мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш асосидагина эришиш мумкин. Иқтисодий самарадорлик мураккаб иқтисодий категория бўлиб, бир қатор натурал ва қиймат кўрсаткичлар билан ўлчанилади.

Натурал кўрсаткичларга ҳосилдорлик, ялпи ҳосил, сарфланган меҳнат миқдори, ер бирлиги ва ходим ҳисобига олинган маҳсулот турларининг миқдори ва шу каби бошқа кўрсаткичлар киради. Қиймат кўрсаткичлар жумласига ялпи маҳсулот, баҳо, таннарх, ишлаб чиқариш харажатлари, фойда каби кўрсаткичлар ва уларни ер бирлиги ва ходимга тўғри келиши киради.

6-жадвалда Қўрғонтепа туманидаги “Холдар ота” фермер хўжалигининг экин майдони ва уни таркиби акс эттирилган. Жадвал маълумотларидан

кўриниб турибдики, охирги уч йилда фермер хўжалигининг экин майдони ўзгармаган. 2014 йилда фермер хўжалигининг 10 гектарли экин майдонининг 5 гектари буғдой майдонлари билан, 2,0 гектари беда майдонлари билан, 3 гектари маккажўхори билан банд бўлган. Экин майдонини тақсимоти ва эришилган натижалар кўйидаги жадвалдан кўриб олишимиз мумкин.

Қўргонтепа туманидаги “Холдар ота” фермер хўжалигининг экин майдони ва унинг таркиби

6-жадвал

т/р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бир	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2014-2012й нисбатан	
						+, -	%
1	Жами экин майдони	га	10.0	10.0	10.0	-	100.0
2	Буғдой майдони	га	5.0	5.0	5.0	-	100.0
	-ҳосилдорлик	ц/га	48.7	49.3	51.2	+2.5	105.1
	-ялпи ҳосил	ц	243,5	246,5	256,0	+12.5	105.1
3	Беда майдони	га	2.0	2.0	2.0	-	100.0
	-ҳосилдорлик	ц/га	250.1	250.5	260.0	+9.9	103.9
	-ялпи ҳосил	ц	500.2	501.0	520.0	+19.8	103.9
	-беда пичани	ц	68.9	72.9	78.3	+9.8	113.6
	-беда уруғи	ц	0.4	0.5	0.4	-	100.0
	-кўк беда	ц	271.1	268.3	271.8	+0.7	100.2
5	Маккажўхори майдони	га	3.0	3.0	3.0	-	100.0
	-ҳосилдорлик	ц/га	30.0	32.0	35.0	+5.0	116.0
	-ялпи ҳосил	ц	90.0	96.0	105.0	+15	116.0
	Макка пая	ц	67.2	71.4	77.7	+10.5	115.6
6	Ходимлар сони	нафар	5	5	5	-	100.0
	Шундан: -чорвада	нафар	3	3	3	-	100.0
	-деҳқончиликда	нафар	2	2	2	-	100.0
	-бошқада	нафар	1	1	1	-	100.0
7	Ер бонитет бали	балл	64.0	64.0	64.0	-	-

Хўжаликда 2012-2014 йилларда жами ер участкаси ҳамда экинлар майдони ўзгармаган, буғдой майдони ўзгармаган, лекин ҳосилдорлик 2.5

центнерга, ялпи ҳосили 12.5 центнерга кўпайган; беда экин майдони ҳам ўзгармаган, ялпи ҳосили 3.9 фоизга ошган. Маккажўхори экин майдони уч йил ичида ўзгармаган, ҳосилдорлик 5.0 центнерга, ялпи ҳосил 15.0 центнерга кўпайган.

**Қўрғонтепа туманидаги “Холдар ота” фермер хўжалигини
қорамолчилик тармоғида шартли қорамоллар сони**

7-жадвал

т/р	Чорва гуруҳлари	Бош сони			Шартли чорва бош сонига ўтказиш коэффициенти	Шарт- ли чорва бош сонига
		1.01.2014 га қолдиқ бош сони	31.12.2014 га қолдиқ бош сони	Ўртача йиллик бош сонига		
1	Сигирлар	11	11	11	1,0	11
2	Ғуножинлар	9	9	9	0,6	5,4
3	Ёш қорамоллар	19	19	19	0,5	9,5
4	Бузоқлар	18	18	18	0,4	7,2
	Жами	57	57	57	х	33,1

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Қўрғонтепа туманидаги “Холдар ота” фермер хўжалигини қорамолчилик тармоғида 2014 йилда жами қорамоллар 57 бошни, шундан сигирлар 11 бошни, ғуножинлар 9 бошни, ёш қорамоллар 19 бошни ва бузоқлар 9 бошни ташкил этган. Ушбу кўрсаткични тегишли шартли қорамолларга айлантириш коэффициентларга кўпайтириш орқали Қўрғонтепа туманидаги “Холдар ота” фермер хўжалигида жами 33,1 бош шартли қорамоллар бош сони мавжудлиги аниқланди.

Қўрғонтепа туманидаги “Холдар ота” фермер хўжалигида мавжуд қорамоллар бош сонини эътиборга олган ҳолда бириктирилган ер участкаларидан самарали фойдаланишга ҳаракат қилиб келинган.

Қуйидаги 8-жадвалда Қўрғонтепа туманидаги “Холдар ота” фермер хўжалигининг иқтисодий самарадорлиги таҳлил этилган.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, охириги уч йилда фермер хўжалигини иқтисодий самарадорлиги маълум даражада яхшиланган. Бунини биз самарадорликни яқунловчи кўрсаткичи бўлган рентабеллик даражасидан яққол кўришимиз мумкин. 2014 йилда 2012 йилга нисбатан рентабеллик даражаси 0,4 даражага кўпайган бўлиб, 8,1 фоиздан 8,5 фоизга ошган.

Хўжаликни эришган рентабеллик даражасини кўпайишига ҳаражатларни даромадга нисбатан камайганлиги ижобий таъсир кўрсатади, эришилган рентабеллик ҳозирча оптимал даражадан паст, лекин бу соҳада олиб борилаётган ишлар тўла амалга оширилса, рентабеллик даражаси оптимал даражага етади ва фермер хўжалигида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни белгиланган суръатларда амалга ошириш учун зарур бўлган молиявий маблағларга эга бўлиш имкониятини беради.

Қиймат кўрсаткичлари ичида рентабеллик даражаси алоҳида ўрин тутади. У даромадлар билан ҳаражатларни таққослаш йўли билан аникланади, бир сўм ҳаражат ҳисобига олинган фойдани акс эттиради.

Рентабеллик фойдаланиш ва қўллаш жиҳатидан содда ва қулай иқтисодий кўрсаткич ҳисобланади, ундан илмий тадқиқотда ва амалиётда кенг қўлланилади. Биз ҳам Қўрғонтепа туманидаги “Холдар ота” фермер хўжалигида ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашда рентабеллик даражасидан фойдаландик. У самарадорликни асосий яқунловчи иқтисодий кўрсаткичи ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлигини баҳолашда тармоқнинг ўзига хослигини унутмаслик керак. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш табиий ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ, шу боис қишлоқ хўжалигини ҳар томонлама ривожлантириш ва унинг

самарадорлигини ошириш бўйича ишлар амалга оширилганда атроф-мухитни сақлашга доир талаблар ҳисобга олинмоғи лозим.

Қўрғонтепа туманидаги “Холдар ота” фермер хўжалигининг иқтисодий самарадорлиги

8-жадвал

т/р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бир.	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2014-2012 й нисбатан %
1.	Чорва моллар сони	б/с	57	57	57	100,0
2.	Жами экин майдон	га	10,0	10,0	10,0	100,0
3.	Ходимлар сони	нафар	3	3	3	100,0
4.	Жами и/ч харажат.	м.сўм	124990	135694	155018	124,0
	Шундан: -иш ҳақи	м.сўм	30747	33652	38909	126,5
5.	Ялпи маҳсулот	м.сўм	135195	147567	169319	126,0
6.	Фойда	м.сўм	10205	11873	13301	130,3
7.	Рентабеллик	%	8,1	8,7	8,5	104,9
8.	Бир чорва бош сони ҳисобига					
	-харажат	м.сўм	2192	2385	2719	124,0
	-ялпи маҳсулот	м.сўм	2371	2588	2970	126,0
	-фойда	м.сўм	179	208	250	140,1
9.	Бир ходим ҳисобига:					
	-чорва бош сони	б/с	19	19	19	100,0
	-иш ҳақи	м.сўм	10249	11217	12969	126,5
	-ялпи маҳсулот	м.сўм	45065	49189	56439	126,0
	-фойда	м.сўм	3401	3957	4433	130,3

9-жадвалда Қўрғонтепа туманидаги “Холдар ота” фермер хўжалигида чорвачилик маҳсулотлар етиштириш харажатлари ва уларни таркиби акс эттирилган.

**Қўрғонтепа туманидаги “Холдар ота” фермер хўжалиги бўйича
сарфланган харажатлар**

9-жадвал

т/р	Харажат тури	2012 йил		2013 йил		2014 йил	
		Қий- мати	Сал- моғи	Қий- мати	Сал- моғи	Қий- мати	Сал- моғи
1	Мод. харажатлар	76618	61,3	83180	61,3	95026	61,3
	-озуқа	44746	35,8	47899	35,3	55186	35,6
	-дори-дармон	6499	5,2	7056	5,2	8060	5,2
	-ёнилғи	9749	7,8	11573	8,5	13021	8,4
	-иш ва хизматлар	9624	7,7	10312	7,6	11626	7,5
	-бошқа мод. хар.	5999	4,8	6377	4,7	7130	4,6
2	Иш ҳақи хар-лари	30747	24,6	33632	24,8	38909	25,1
3	Ижт.ажратмалар	4999	4,0	5563	4,1	6510	4,2
4	Амортизация	4999	1,0	5427	4,0	6200	4,0
5	Бошқа харажат-р	7624	6,1	7870	5,8	8370	5,4
	Жами	124990	100,0	135694	100,0	155018	100,0

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, охириги 3 йилда фермер хўжалигида чорвачилик маҳсулотлар етиштириш бўйича сарфланган барча харажат турларини кўпайиши билан бир қаторда уларни таркибида ҳам кескин ўзгаришлар рўй бермоқда. Жумладан, моддий харажатлар, меҳнатга ҳақ тўлаш харажати, ижтимоий ажратмалар, асосий воситалар ва номоддий активларни эскириши ва бошқа харажатлар қиймат кўринишида кўпайган. Бу салбий ҳолат ҳисобланади.

10-жадвалда Қўрғонтепа туманидаги “Холдар ота” фермер хўжалигида чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги кўрсатилган.

Қўрғонтепа туманидаги “Холдар ота” фермер хўжалигида сут ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги

10-жадвал

т/р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бир.	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2014-12 й нисбатан %
1	Жами корамоллар	б/с	57	57	57	100,0
	ш ж сизирлар	б/с	11	11	11	100,0
3	Сут соғиб олиш	л	19800	20350	24090	121,6
4	Жами харажатлари	м.сўм	27839	29833	38134	136,9
	– иш ҳақи	м.сўм	8376,7	8993,7	11416,9	136,2
5	Ялпи маҳсулот	м.сўм	30492	32886	42374	138,9
6	Фойда	м.сўм	2600	3053	4240	163,0
7	Ходимлар сони	нафар	3	3	3	100,0
8	1 л. сут таннарни	сўм	1406	1466	1583	112,5
9	1 л. сут сотиш баҳоси	сўм	1540	1616	1759	114,2
10	Бир чорва бош сони ҳисобига:					
	-маҳсулдорлик	л	1800	1850	2190	121,6
	-харажат	м.сўм	2530	2712	3466	136,9
	-ялпи маҳсулот	м.сўм	2772	2989	3852	138,9
	-фойда	м.сўм	236,3	277,5	325,4	163,0
11	Бир ходим ҳисобига:					
	-чорва бош сони	б/с	3,6	3,6	3,6	100,0
	-иш ҳақи	м.сўм	2792	2998	3805	136,2
	-ялпи маҳсулот	м.сўм	10164	10962	14124	138,9
	-фойда	м.сўм	866,6	1017,6	1413,3	163,0
12	Рентабеллик	%	9,5	10,2	11,1	+1,6

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, охириги уч йилда фермер хўжалигида сут ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги барча кўрсаткичлар бўйича ижобий тамонга ўзгарган. Буни биз ер бирлиги ва бир

ходим ҳисобига олинган ялпи маҳсулот, фойда ва иш ҳақини кўпайганлигидан кўриб олишимиз мумкин.

Натижада самарадорликнинг асосий кўрсаткичи бўлган рентабеллик даражаси 9,5 фоиздан 11.1 фоизга етди. Лекин, фермер хўжалигида сут етиштириш бўйича эришилган рентабеллик даражаси ҳали оптимал даражадан анча паст бўлиб, уни камида 20-30 фоизга кўтариш лозим.

Қўрғонтепа туманидаги “Холдар ота” фермер хўжалигида соғин пода бўйича сарфланган харажатлар

11-жадвал

т/р	Харажат тури	2012 йил		2013 йил		2014 йил	
		Қий-мат	Салмоғи	Қий-мат	Салмоғи	Қий-мат	Салмоғи
1	Мод. харажатлар	20873	61,3	22230	61,3	27882	61,3
	-ем-хашак	12190	35,8	12801	35,3	16193	35,6
	-дори-дармон	1771	5,2	1886	5,2	2365	5,2
	-ёнилғи	2656	7,8	3082	8,5	3821	8,4
	-иш ва хизматлар	2622	7,7	2756	7,6	3411	7,5
	-бошқа мод.хар.	1634	4,8	1704	4,7	2092	4,6
2	Иш ҳақи хар-лари	8376	24,6	8994	24,8	11416	25,1
3	Ижт.ажратмалар	1362	4,0	1486	4,1	1910	4,2
4	Амортизация	1362	1,0	1450	4,0	1819	4,0
5	Бошқа харажат-р	2077	6,1	2103	5,8	2456	5,4
	Жами	34052	100	36265	100	45486	100
	-орг.ўғит.қиймати	603		603		603	
	-сут харажати	27839		29833		38134	
	-бузоқ харажати	3093		3312		4232	

Юқоридаги 11-жадвалда Қўрғонтепа туманидаги “Холдар ота” фермер хўжалигида чорвачилик маҳсулотлар етиштириш харажатлари ва уларни таркиби акс эттирилган. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, охирги 3 йилда фермер хўжалигида чорвачилик маҳсулотлари етиштириш

бўйича сарфланган барча харажат турларини кўпайиши билан бир қаторда уларни таркибида ҳам кескин ўзгаришлар рўй бермоқда. Жумладан, моддий харажатлар, меҳнатга ҳақ тўлаш харажати, ижтимоий ажратмалар, асосий воситалар ва номоддий активларни эскириши ва бошқа харажатлар қиймат кўринишида кўпайган.

**Қўрғонтепа туманидаги “Холдар ота” фермер
хўжалигида ёш қорамоллар ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаришнинг
иқтисодий самарадорлиги**

12-жадвал

т/р	Кўрсаткичлар	Ўлчов Бир.	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2014-12 й нисбатан%
1	Жами ёш қорамоллар	б/с	46	46	46	100,0
3	Гўшт ўстириш	кг	9738	10074	10410	106,9
	Гўшт сотиш	кг	4869	5037	5205	106,9
4	Жами харажатлари	м.сўм	88421	96912	107015	121,0
	– иш ҳақи	м.сўм	22370	24658	27492	122,8
5	Ялпи маҳсулот	м.сўм	96026	105732	117076	121,9
6	Фойда	м.сўм	7605	8820	10061	132,2
7	Ходимлар сони	нафар	3	3	3	100,0
8	1кг. гўшт таннарни	сўм	18160	19240	20560	113,2
9	1кг. гўшт сот. баҳ.	сўм	19722	20991	22493	114,0
10	Бир чорва бош сони ҳисобига:					
	-харажат	м.сўм	1922	2106	2326	121,0
	-ялпи маҳсулот	м.сўм	2087	2298	2545	121,9
	-фойда	м.сўм	165	191	218	132,2
11	Бир ходим ҳисобига:					
	-чорва бош сони	б/с	15,3	15,3	15,3	100,0
	-иш ҳақи	м.сўм	7456	8219	9164	122,8
	-ялпи маҳсулот	м.сўм	32008	35244	39025	121,9
	-фойда	м.сўм	2535	2940	3353	132,2
12	Рентабеллик	%	8,6	9,1	9,4	+0,8

Юқоридаги 12-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, охириги уч йилда фермер хўжалигида гўшт ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги барча кўрсаткичлар бўйича ижобий томонга ўзгарган. Буни

биз чорва бош сони ва бир ходим ҳисобига олинган ялпи маҳсулот ва иш ҳақининг кўпайганлигидан кўриб олишимиз мумкин.

Натижада самарадорликнинг асосий кўрсаткичи бўлган рентабеллик даражаси 8,6 фоиздан 9,4 фоизга ўсган. Лекин, фермер хўжалигида гўшт ишлаб чиқариш бўйича эришилган рентабеллик даражаси ҳали оптимал даражадан анча паст бўлиб, уни камида 30-35 фоизга етказиш лозим.

13-жадвалда Қўрғонтепа туманидаги “Холдар ота” фермер хўжалигида ёш қорамоллар бўйича сарфланган харажатлар ва уларни таркиби акс эттирилган.

Қўрғонтепа туманидаги “Холдар ота” фермер ёш қорамоллар бўйича сарфланган харажатлар

13-жадвал

т/р	Харажат тури	2012 йил		2013 йил		2014 йил	
		Қий-мат	Сал-моғи	Қий-мат	Сал-моғи	Қий-мат	Сал-моғи
1	Мод. харажатлар	55744	61,3	60950	61,3	67143	61,3
	-ем-хашак	32555	35,8	35098	35,3	38993	35,6
	-дори-дармон	4728	5,2	5170	5,2	5695	5,2
	- ёнилғи	7093	7,8	8451	8,5	9200	8,4
	- иш ва хизматлар	7002	7,7	7556	7,6	8214	7,5
	- бошқа мод.хар	4365	4,8	4673	4,7	5038	4,6
2	Иш ҳақи хар-лари	22370	24,6	24658	24,8	27492	25,1
3	Ижт.ажратмалар	3637	4,0	4076	4,1	4600	4,2
4	Амортизация	3637	1,0	3977	4,0	4381	4,0
5	Бошқа харажат-р	5547	6,1	5766	5,8	5914	5,4
	Жами	90938	100	99429	100	109532	100
6	Қўш маҳ-т қийм	2517		2517		2517	
7	Гўшт ўс-ш хар-ти	88421		96912		107015	

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, охириги 3 йилда фермер хўжалигида чорвачилик маҳсулотлар етиштириш бўйича сарфланган барча харажат турларини кўпайиши билан бир қаторда уларни таркибида ҳам

кескин ўзгаришлар рўй бермоқда. Жумладан, моддий харажатлар, меҳнатга ҳақ тўлаш харажати, ижтимоий ажратмалар, асосий воситалар ва номоддий активларни эскириши ва бошқа харажатлар қиймат кўринишида кўпайган.

Қўрғонтепа туманидаги “Холдар ота” фермер хўжалигида бўғдой етиштириш иқтисодий кўрсаткичлари

14-жадвал

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2012	2013	2014 й	2014 йилда 2012 йилга нисбатан %
1	Экин майдони	га	5	5	5	100,0
2	Ҳосилдорлик	ц/га	48,7	49,3	51,2	105,1
3	Ялпи ҳосил	ц	243,5	246,5	256,0	105,1
4	Ишлаб чиқариш харажатлари	м.с	6077,8	6798,5	7321,1	120,5
	Шундан: -иш ҳақи	м.с	753,6	836,2	878,5	116,6
5	Ходимлар сони	нафар	1	1	1	100,0
6	Ялпи маҳсулот	м.с	8454,3	9500,1	10305,5	121,9
7	Фойда	м.с	2376,6	2701,6	2984,4	125,6
8	Фермер даромади	м.с	3130,2	3537,9	3863,0	123,4
9	1ц. бўғдойни таннарни	сум	24960	27580	28598	114,6
10	1ц бўғдойни сотиш баҳоси	сум	34720	38540	40256	115,9
11	1 га хисобига: а) ялпи маҳ.т	м.с	1690,9	1900,0	2061,1	121,9
	б) харажатлар	м.с	1215,6	1359,7	1464,2	120,5
	б) фермер даромади	м.с	626,0	707,6	772,6	123,4
12	1 ходим хисобига: а) ялпи маҳсулот	м.с	8454,3	9500,1	10305,5	121,9
	б) иш ҳақи	м.с	753,6	836,2	878,5	116,6
13	Рентабеллик	%	39,1	39,7	40,8	1,7

14-жадвалда Қўрғонтепа туманидаги “Холдар ота” фермер хўжалигида бўғдой етиштириш иқтисодий кўрсаткичлари акс эттирилган. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, фермер хўжалигида охириги уч йилда

буғдой етиштиришнинг ялпи ҳосили ва сарфланган харажатлар кўпайган. Буғдой етиштириш бўйича харажатлар 20,0 фоизга ортган бўлса, ялпи маҳсулот 21,9 фоизга кўпайганлигини кўриб олишимиз мумкин.

Хўжаликда буғдой етиштириш учун ажратилган экин майдони уч йил ичида ўзгармаган, буғдой ҳосилдорлиги 105,1 фоизга кўпайган, ялпи ҳосил 105,1 фоизга кўпайган. Шу билан биргаликда, жами харажат 120,0 фоизга, шундан иш ҳақи 116,6 фоизга кўпайганини кўриб олишимиз мумкин, 1 центнер буғдой таннархи 114,6 фоизга ортганлигини кўришимиз мумкин.

15-жадвалда Қўрғонтепа туманидаги “Холдар ота” фермер хўжалигида буғдой етиштириш харажатлари ва уларни таркиби акс эттирилган.

Қўрғонтепа туманидаги “Холдар ота” фермер хўжалигида буғдой етиштириш харажатлари ва уларни таркиби (м. сўм)

15-жадвал

Харажатлар тури	2012	%	2013	%	2014	%
Моддий харажатлар	4631,3	76,2	5241,6	77,1	5556,7	75,9
а) уруғлик	820,5	13,5	917,8	13,5	988,3	13,5
б) ўғитлар	1653,2	27,2	1869,6	27,5	1991,3	27,2
в) Ё.М.М	759,7	12,5	836,2	12,3	893,2	12,2
г) иш ва хизматлар	1033,2	17	1169,3	17,2	1244,6	17
д) бошқа моддий харажатлар	364,7	6	448,7	6,6	439,3	6
Меҳнат ҳақи харажатлари	753,6	12,4	836,2	12,3	878,5	12
Ижтимоий ажратмалар	188,4	3,1	209,1	3,1	219,6	3,0
Асосий воситалар ва номоддий активларни эскириши	231,0	3,8	237,9	3,5	256,2	3,5
Бошқа харажатлар	273,5	4,5	271,9	4	410,0	5,6
Жами:	6077,8	100	6798,5	100,0	7321,1	100,0

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, охириги 3 йилда фермер хўжалигида буғдой етиштириш бўйича сарфланган барча харажат турларини кўпайиши билан бир қаторда уларни таркибида ҳам кескин ўзгаришлар рўй бермоқда. Жумладан, моддий харажатлар, меҳнатга ҳақ тўлаш харажати, ижтимоий ажратмалар, асосий воситалар ва номоддий активларни эскириши ва бошқа харажатлар қиймат кўринишида кўпайган. Бу салбий ҳолат ҳисобланади.

2.3. Чорвачиликнинг қорамолчилик тармоғида гўшт етиштириш технологияси

Гўштдор қорамолчилиқни ташкил этиш ва уни технологиялари ўзига хос хусусиятларга эга. Бу хусусият шундан иборатки, гўштдор қорамолчилик соҳасининг асосий вазифаси – юқори сифатли қорамол гўшти ва тери хомашёси ишлаб чиқариш ҳисобланади. Шу боис соҳанинг жамики технологик жараёнлари ушбу вазифани бажаришга қаратилган. Гўштдор қорамолчиликда технологик жараёнлар қуйидаги бир-бирига узвий боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш элементларини ўз ичига олади: биринчиси - бузок олиш ва уларни парваришlashга қаратилган репродуктив подаси; иккинчиси – ёш молларни гўштга боқиш ва жадал бўрдоқилash ва учинчиси – она моллар подасини тўлдириш учун урғочи ёш молларни парваришlash. Товар гўштдор қорамолчилиги ташкилий ва технологик томондан гўштдор қорамол зотлари наслчилиқ ишлари билан боғланган бўлиши керак. Чунки, товар подаларнинг генетик томонидан яхшиланиши зотнинг такомиллашиши билан боғлиқ бўлади.

Хорижий давлатларда ва шу жумладан, Россия ва Украина гўштдор қорамолчилигининг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш характери шуни кўрсатмоқдаки, жадалланиш меъёри билан бир-биридан фарқланadиган икки хил технологик тизимлар ишлатилиши мумкин. Биринчи тизими (энг кўп тарқалган) сигир бузоқлари билан ва пода таъмирловчи урғочи таналар учун яйловлардан максимал фойдаланишга асосланади. Гўшт учун парваришlanadиган эркак моллар ва брак қилинган сигирлар яйловда семиртирилиб, сўнгра ихтисослашган бўрдоқчилик майдончаларида жадал бўрдоқиланади. Иккинчи тизими сигир ва бузоқларни яйратиш – озиқлантириш ва енгил айвонли биноларда сақлашга асосланади. Ёзда моллар кўк ўт, қишда дағал ва ширали озуқалар билан озиқлантирилади. Рационга кам миқдорда концентрат озуқалар қўшилади. Эркак бузоқлар сутдан 6-8 ойлигида чиқарилгандан сўнг, 15-18 ойлигига қадар жадал бўрдоқиланиб, 420-450 килограмлик вазнда гўштга топширилади. Урғочи

таналар ёз ойларида табиий ёки маданий яйловларда сақланади. Бундай технологияни суғориладиган жадал деҳқончилик минтақаларида ишлатиш мумкин. Ўрта Осиё шароитида гўштдор қорамолчилик технологиясининг биринчи тизимидан фойдаланиш мақбул. Гўштдор қорамолчилиكنинг техник – иқтисодий кўрсаткичларини кўтариш учун соҳа ичида ҳамда хўжалик ичида ихтисослаштириш тадбирларини амалга ошириш лозим. Яйлов шароитига асосланиб, ташкил қилинган хўжаликларда сигирлар, 6-8 ойлигигача бўлган бузоқлар ҳамда подани таъмирловчи урғочи таналар сақланади. Технологик жараён мумкин қадар сигирларни кўпайтириш кўп миқдорда бузоқ олиш ва яйлов шароитидан максимал фойдаланишга қаратилади. Бундай қорамолчиликда пода ишлаб чиқариш жадаллиги муҳим аҳамиятга эга. Чунки, сигирларга сарфланадиган озиқлантириш ва сақлаш харажатлари ягона олинadиган маҳсулот – бузоқ таннархига ўтказилади. Шунинг учун ҳар бир сигирдан йил давомида бир бошдан бузоқ олиш муҳим ҳисобланади. Америка олими Р.Снепнинг маълумотига кўра, ҳар 100 бош сигирдан олинadиган бузоқлар миқдори 90-100 фоиздан 70-80 фоизга камайганда бузоқларнинг таннархи 27 фоизга, 50-60 фоизга камайганда эса таннарх 50 фоизга ошган.

Ишлаб чиқаришни тугаланмаган циклида фаолият кўрсатган гўштчилик хўжалик подаларида сигирлар салмоғи 45-50 фоизни ташкил қилиши ва ҳар 100 бош сигирга 25-30 тадан биринчи туққан сигирларни тўғри келиши пода ишлаб чиқаришни жадаллаштиради. Гўштдор қорамолчиликда бузоқ олишни кишнинг охири ва баҳорнинг бошларида ўтказиш режалаштирилади. Феврал-апрел ойларида туғилган бузоқлар яхши ва соғлом ўсади, яйлов ўтларидан унумли фойдаланилади ҳамда сигирларнинг сут маҳсулдорлиги юқори бўлади. Шунга қараб, сигирларни уруғлантириш муддатлари май-июл ойларига тўғри келади. Бузоқларни онаси билан бирга сақлаш ва она сутини тўлиқ эмиздириб, 6-8 ойлигига қадар парваришлаш муҳим технологик тадбирлардан бири ҳисобланади. Яйлов даврида она сутни эмиб ва тўйимли ўтларни самарали истеъмол қилган бузоқлар тез ўсади ва уларни тирик вазни

8 ойлигида 200-250 килограммга етади. Йирик зотли бузоқларда бу кўрсаткич 280-300 килограммгача етиши мумкин.

Гўштдор қорамолчиликнинг юқори самарадорлигини белгилайдиган технологик элементлардан яна бири – молларни бўрдоқилашни ташкил этиш. Эркак бузоқлар 6-8 ойлигида (сентябр-октябр ойларида) онасидан ажратилгандан сўнг, бўрдокичилик майдончаларида жадал парвариш қилинади. Кунлик семириш 1000 гр ва ундан юқори меъёردаги жадал бўрдақилашда уларнинг 15-16 ойликдаги вазни 450 килограммни ташкил этади. Ёз ойларида туғилган айрим сигирларнинг бузоқлари қишда ўрта меъёردа парвариш қилиниб, баҳор ва ёз ойларида жадал бўрдоқилашга қўйилади. Бундай бузоқчаларнинг 18-20 ойликдаги вазни 450-480 килограммга тўғри келади.

Гўштдор қорамолларни озиқлантириш ва сақлаш. Гўштдор қорамолларни озиқлантиришда уларнинг озиқ моддаларга бўлган эҳтиёжни қондириш, ҳолатини яхши сақлаш ва маҳсулдорлигини максимал олишга эътибор берилади. Сигирларни озиқлантириш меъёри уларнинг тирик вазнига ва физиологик ҳолатига боғлиқ бўлади. Сигирларнинг ҳар бир 100 кг. тирик вазни ҳисобига қуйидаги озиқлантириш меъёри белгиланган; лактациясининг биринчи даврида 2,6-3,0 килограмм қуруқ модда, 1,8 – 2,08 озуқа бирлиги ва 1 килограмм озуқа бирлиги ҳисобидан 95-100 грамм ҳазмланувчи протеин, лактациясининг иккинчи даврида 2,44-2,62 килограмм қуруқ модда, 1,58-1,68 озуқа бирлиги ва 1 килограмм озуқа бирлиги ҳисобидан 88-90 грамм ҳазмланувчи протейин. Алмашувчи қувват бу даврда тегишлича – 100 килограмм тирик вази ҳисобидан 21,2-24,5 мж. ва 19,2-20,5 мж. бўлиши керак. Сигирларнинг 7 ойлик бўғозлигида юқорида келтирилган озиқлантириш меъёри 100 килограмм ҳисобидан тегишлича 2,28-2,45 килограмм, 1,5-1,6 ва 18,2-19,8 мж.га тенг.

Ёз ойларида рационнинг асосини кўк ўтлари ташкил этади. Қиш ойларида дағал озуқалар 40-45 фоизни, силос ва сенаж 35-40 фоизни ҳамда концентратлар 15-20 фоиздан иборат бўлади. Бўғоз сигирларни 20-22

кунлигидан бошлаб дағал, ширали ва концентрат озуқаларга ўргатилади. Концентрат озуқалар бериш меъёри бузоқларнинг 6-7 ойлигидан бошлаб кўпайтирилади. Бу тадбир бузоқлар сутдан ажратилгандан сўнг, вазн тушиб кетишининг олдини олади ва улар етарли миқдорда озуқаларга ўрганган бўлади. Қишда моллар рационига кальций ва фосфорли озуқаларни кўшиш эътиборда бўлиши керак. Буқалар активлигини сақлаш учун тирик вазнининг ҳар 100 килограмм ҳисобига 1,0-1,3 озуқа бирлиги ва 135-140 граммдан хазмланувчи протейин бериб турилади. Улар рационнинг 25-30 фоизини пичан, 20-25 фоизини силос ва 40-45 фоизини концентрат озуқалар ташкил этади.

Моллар ёз ойларида яйловда ва қиш ойларида енгил биноли бўлган очиқ майдончаларда боғланмасдан сақланади. Бино майдони бир бузоқли сигирга 6-8 м²дан тўғри келади. Бузоқ олиш қиш ойларида бошланганда, бинонинг чекка тамонида туғруқхона ташкил қилинади. Хонанинг катталиги 2,5х3м бўлиб, унга янги туққан сигир бузоғи билан биргаликда 10-15 кун сақланади, сўнгра умумий хонага ўтказилади. Сигирларни озиқлантириш ва сув билан таъминлаш - яйратиш майдончасида бажарилади. Унинг майдони ҳар бир бош сигир учун 15-20 м²дан тўғри келади. Озиқланиш охурлари ёнидаги майдончага бетон ётқизишиб, енгил соябон остига олинади. Яйратиш майдонларининг ўртасида куз ойларида бошлаб гўнг тепаликлари ташкил қилинади. Унинг баландлиги 1.5-2 метр ва кенлиги 10 метрдан ошмаслиги керак.

Бузоқларни парваришлаш. Гўштдор қорамолчиликда бузоқлар 6-8 ойлигига қадар оналарга эмдирилиб, парваришланади. Қишда молхонанинг бир четида бузоқлар учун алоҳида гуруҳли хона ташкил қилинади. Унда бузоқлар дам олади ва озиқланади. Концентрат ва минерал озуқалар бериш учун тахта охурлар ўрнатилади. Хонанинг ичида сомон тўшамаси солиниб, доимо қуруқ сақланади. Баҳор ва ёз ойларида бузоқлар ўз оналари билан биргаликда яйловга кўчирилади. Яйловда молларни дам олиш жойида бузоқлар учун енгил айвон қурилиб, унга озиқлантириш учун енгил кўчма

охурлар ўрнатилади. Бузоқлар 8 ойлик давригача парваришlashда кунига ўртача 800-900 грамм вазн ўстириш мақсадида сигир сутидан ташқари 550-600 озуқа бирлиги ва 60-65 килограмм ҳазмланувчи протейин ҳисобида қўшимча озиқлантирилади. Бу озуқаларнинг кунлик меъёри бузоқларнинг 1-2 ойлигида 0,2-0,3; 3-5 ойлигида 0,8-1,5 ва 6-8 ойлигида 2,4-3,5 озуқа бирлигини ташкил этади.

Подани таъмирловчи урғочи таналарни парваришlash. Қиш ойларида урғочи таналар енгил бинолар ва майдончаларда боғламасдан сақланади. Бино ичида дам олиш учун сомонли тўшамалар солиш тавсия этилади. Ҳар бир пода 150-200 бош урғочи танадан иборат бўлади. Озиқлантириш ва сув билан суғориш майдончаларда бажарилади. Бир бош танага 5 м²дан бино майдони ва 15-20 м²дан озиқлантириш ва яйратиш майдончалари ташкил этилади. Қиш ойларида урғочи таналарнинг ўртача кунлик ўсиши 450-500 граммга тўғри келади. Таналар рациона тавсия этилган озиқлантириш меъёри асосида тузилади.

Урғочи таналар озиқлантириш меъёри

16-жадвал

Ёши, ой	Давр охири да тирик вазни (кг)	Бир бошга бир кунда талаб этилади.							
		Қурук модда (кг)	Озуқа бир- лиги (кг)	Алмал. энергия (мж)	Ҳазм- ланувчи протейин. (гр)	Ош тузи (гр)	Калций (гр)	Фосфор (гр)	Каротин (мг)
9-10	244	7.2	4.5	6.0	495	30	45	25	130
11-12	277	7и.7	5.0	6.3	550	35	48	28	140
13-14	311	9.0	5.6	7.3	620	40	55	30	160
15-16	345	10.0	6.2	8.0	685	45	58	33	180
17-20	413	10.8	7.0	8.8	720	50	60	35	200

Қиш ойларида рацион таркиби қуйидагича бўлиши мумкин, дағал озуқалар 40-45 фоиз, ширали озуқалар 40-45 фоиз, ширали озуқалар 0-40 фоиз ва концентратлар 15-20 фоиз. Ёз ойларида яйлов ўтлари ва хаслари таналар учун асосий озуқа ҳисобланади. Ўтлар қуриб, тўйимлиги пасайганда қўшимча озуқа берилади.

Гўштор зотли моллар бўрдоқилаш. Эркак бузоқлар 6-8 ойлигида онасидан ажратилгандан сўнг, бўрдоқичилик майдончаларга берилади. Гўштга боқишнинг икки хил технологик тизимини қўллаш мумкин. Биринчи тизимда буқалар 7-8 ойлигиданоқ жадаллаштирилган бўрдоқилашга қўйилади. Юқори қувватли рацион новвослар вазни 15-16 ойлигида 420-450 килограммга етказди. Бундай бўрдоқилашга қўпинча вазни 200 килограммга ва ундан юқори бўлган 7-8 ойлик бузоқлар қўйилади. Бўрдоқилаш даврида молларнинг ўртача кунлик семириши 1000 грамм атрофида мўлжалланади. Иккинчи технологик тизимда 6-8 ойлик бузоқлар ўрта меъёридаги парваришга қўйилади. Бу асосан, қиш ойларида тўғри келиб, молларнинг ўртача кунлик ўсиш даражаси 600-700 грамми ташкил этади. Сўнгра, улар 5-6 ой жадал бўрдоқиланади ва 18-20 ойлигида 440-480 килограмм вазнда гўштга топширилади. Йирик зотли гўштор молларнинг вазни бу пайтда 500-550 килограммга етиши мумкин. Келтирилган технологик тизимларда моллар учун рационлар тузишда 9 ойлик ва ундан юқори бўлган буқачаларни гўшт учун парваришдаги озиқлантириш меъёрларидан фойдаланилади ва 22 та кўрсаткич бўйича баланслаштирилади.

Моллар парваришда ва бўрдоқилашда донли сенаж ва озуқа аралашмалари билан озиқлантириш яхши натижа беради. Сутдан ажратилган бузоқлар учун қуйидаги тўлиқ рационли озуқа ажратмасини тавсия этиш мумкин: сомон 30 фоиз; донли сенаж 30-40 фоиз; концентратлар 30-38 фоиз ва минерал қўшимчалар 1-2 фоиз. Аралашманинг тўйимлилиги 0,50-0,55 озуқа бирлигини ташкил қилади. Бу озуқалардан 9-11 ойгача бўлган новвосларга 10-12 кг., 12-13 ойликларига 14-15 кг.дан берилади. Жадал бўрдоқилаш даврида (5-6 ой) озуқа аралашмаси таркибидаги сомон 10 фоизгача камайтирилиб, унинг ўрнини концентратлар эгаллайди. Натижада 1 кг. аралашманинг тўйимлилиқ даражаси 0,35 озуқа бирлигини ташкил этади. Маълумки, донли сенажнинг тўйимлилиқ даражаси 0,40-0,42 озуқа бирлигига тенг.

Катта ёшдаги молларни озиқлантириш. Сўйиш кондицияга етмаган катта ёшдаги моллар бўрдоқилашга қўйилади Бундай молларни бўрдоқилаш уларнинг маҳсулдорлигини ошириш ва қорамол гўшти ишлаб чиқариш хажмини кўпайтириб, унинг сифатини яхшилайти. Бўрдоқилаш муддати молларнинг ҳолатига ва озиқлантириш жадаллигига боғлиқ. Бўрдоқиланадиган моллар рациони уларнинг вазни, семизлик ҳолати, семиртириш режасини ва мавжуд озуқалар хилларини эътиборга олган ҳолда тузилади. Гўштдор қорамолчиликда катта ёшдаги моллар қиш ойларида пахта шулуҳаси, силос ёки сенаж ва концентрат озуқалар билан боқилади.

**III-БОБ. КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ АСОСИДА ҚЎРҒОНТЕПА ТУМАНИДАГИ
“ХОЛДАР ОТА” ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИДА ИҚТИСОДИЙ
САМАРАДОРЛИКНИ ОШИРИШ ОМИЛЛАРИ**

**3.1. Қўрғонтепа туманидаги “Холдар ота” фермер хўжалигида иқтисодий
самарадорликни ошириш омиллари**

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлигини баҳолашда тармоқнинг ўзига хослигини унутмаслик керак. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш табиий ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ, шу боис қишлоқ хўжалигини ҳар томонлама ривожлантириш ва унинг самарадорлигини ошириш бўйича ишлар амалга оширилганда атроф-муҳитни сақлашга доир талаблар ҳисобга олинмоғи лозим.

Қўрғонтепа туманидани “Холдар ота” фермер хўжалигида чорвачилик маҳсулотлари самарадорлигини ошириш учун қуйидаги турдаги омил ва имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш зарур:

1. Чорва ҳайвонлари маҳсулдорлигини ошириш. Бу ўта долзарб масалани бажариш учун уларни турли хил озуқаларга бўлган талабларини илмий асосланган рационлар бўйича мунтазам қондириш. Натижада зотдор ҳайвонларнинг маҳсулдорлик потенцияли ҳамда сарфланган озуқалар самарадорлигини ошириш имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш. Кўпроқ, сифатлироқ ҳамда арзонроқ маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш имкониятини яратади;

2. Чорва молларининг наслини яхшилаш мақсадида селекция ва наслчилик ишларини юқори натижада ташкил этиш, сунъий урчитиш тизимидан тўлароқ фойдаланиш;

3. Чорвадорларнинг меҳнат унумдорлиги ва меҳнат ҳақини барқарор ошириш учун технологик жараёнларни комплекс механизациялаш усулларида фойдаланиш, даставвал, озуқаларни тақсимлаш, сигирларни

соғиш, биноларни чорва қолдиқларидан тозалаш, улардан фойдаланиш билан боғлиқ ва бошқа ишларни прогрессив воситалар ёрдамида бажариш;

4. Ҳайвонларни сақлашнинг прогрессив усулларида, шу жумладан боғламасдан сақлаш махсус қуралардан фойдаланиш;

5. Асосий воситалардан чорва бинолари ва иншоотлари қувватидан оқилона фойдаланиш;

6. Прогрессив зоветеринария хизматларида фойдаланиш.

Чорва моллари бош сони - самарадорлик омилидир. Чорва моллари сони чорвачилик кўламининг асосий кўрсаткичи ҳисобланади. Қорамоллар сонининг чорвачилик самарадорлигига таъсири юқори. Хўжаликнинг иқтисодий самарадорлик таҳлилида пода сони кўпайган сайин сут соғиб олиш миқдори, қорамол маҳсулоти нархи ва хўжалик даромади ортиб бораётганини кўриш мумкин.

Қорамол парвариш қилиш самарадорлиги кўрсаткичлари ва суғориладиган ҳамда экин майдонлари, фермер хўжалиги кўлами ҳамда фермер хўжалигида иш билан бандлар сонини ифода этувчи кўрсаткичлар ўртасида ҳам шундай боғлиқлик бор.

Кўрғонтепа тумани фермер хўжаликлари маълумотларида қорамол подасининг таркиби ва самарадорлиги кўрсаткичлари пода сонига қараб ўзгаришини кўришимиз мумкин. Қорамоллар бош сони кам бўлган ҳолда сотиш каналида юқори нархлар кузатилмоқда, пода сони ортган сари қайта ишлаш имконияти шаклланиб, юқори самарадорликка эришилди. Бошқача айтганда, чорвачилик хўжалигининг ҳажми қанчалик катта бўлса, у ўртача шунчалик маҳсулдордир. Бу боғлиқликни икки ҳолат билан изоҳлаш мумкин:

1. Пода қанчалик катта бўлса ва уни таъминлаш учун ресурслар кўп ажратилса, хўжалик қорамол парвариш қилиш секторида фаолият юритишга кўпроқ ихтисослашади. А.Смит давридан буён маълум бўлганидек, ҳар қандай ихтисослашув самарадорликнинг ортишига хизмат қилади. Ихтисослашув танланган фаолият йўналишида такомиллашиш, ишлаб

чиқаришни ташкил этишнинг самарали услублари ва технологияларни қўллаш имконини беради;

2. Пода қанчалик катта бўлса, “қўламдорликдан тежаш” ҳисобидан ўртача харажатларни камайтириш имконияти шунчалик кўп: подачи, чўпон ва бошқа ишчилар, бино, уни иситиш, ёритиш, озуқа ва ветеринария препаратларини сотиб олиш (улгуржи чегирмалар) ва хоказолар учун харажатлар. Яъни, 10 бош сигирни биргаликда парвариш қилиш уларни алоҳида парвариш қилишдан кўра арзонроқ. Худди шундай, битта хўжаликда 200 бош сигирни парвариш қилиш - ҳар бирида 10 тадан сиғири бўлган 20 та хўжаликдан кўра тежамлироқдир.

Қорамол подаси сонини кўпайтириш омиллари мавжуд. Чорвачилик хўжалигининг катта-кичиклиги маҳсулдорлик учун муҳим аҳамият касб этиши сабабли фермер хўжалигининг қўшимча мол сотиб олишини рағбатлантириш, шунингдек, деҳқон ва фермер хўжаликлари ўртасида кооперация алоқаларини ривожлантириш зарур. Кооперация (чорва молларини биргаликда сотиб олиш, парвариш қилиш, ускуна, озуқалар ва хизматларни биргаликда ҳарид қилиш, маҳсулот сотиш ва бошқалар) унинг иштирокчиларига “қўламдорликдан тежаш” самарадорлиги ва тижорий мустақилликни сақлаган ҳолда ихтисослашишдан фойдаланиш имконини беради. Қўрғонтепа туманидаги деҳқон ва фермер хўжаликлари вакиллари ўртасида ўтказилган сўров ушбу хўжаликларда қорамоллар сонининг кўпайишига тўсқинлик қилаётган асосий сабаблар:

- а) озуқа базасининг етишмаслиги;
- б) чорвачилик фаолиятини юритиш учун ер етишмаслиги;
- в) чорва молларини сотиб олиш учун маблағ етишмаслиги ва бу, айниқса, деҳқон хўжаликлари учун ниҳоятда долзарб эканини кўрсатди.

Ер майдони ва молиявий ресурслар (бошланғич ва айланма капитал) тақчиллиги муаммоларига батафсил тўхталиб ўтиш лозим.

Қишлоқ ишлаб чиқарувчилари чорвачиликни ривожлантириш учун ажратишни истаган ернинг етишмаслиги икки асосий ҳолат билан боғлиқ:

1. Ердан хўжаликлараро, жумладан, ер майдонларидан субижара учун мавжуд чекловлар билан боғлиқ сабаблар туфайли фойдаланилмаётгани. Ушбу чекловлар сабабли самарали қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчилари самарасиз фойдаланилаётган майдонлар ҳисобидан ўз ер участкаларини эркин кенгайтира олмаяпти. Ҳолбуки, қорамол парвариш қилишда юксак натижаларга эришаётган хўжаликлар ҳам ўз ўсишининг табиий чегарасига эга. Бу фойдаланилаётган ерни кенгайтириш имкони йўқлиги билан боғлиқдир. Бу, ўз навбатида, хўжалик юритишнинг самарасиз шакл ва услублари ўрнини самаралилари билан алмаштиришни таъминлайдиган бозор механизмлари Ўзбекистоннинг аграр секторида тегишли равишда етарли қўлланилмаётгани ва тармоқ аҳволига салбий таъсир кўрсатаётганини англатади.

Шундай қилиб, Қўрғонтепа туманида чорвачиликни ривожлантириш истиқболлари бевосита ерга эгалик ҳуқуқи ва айрим стратегик қишлоқ хўжалик экинларини етиштиришда давлат назорати масалаларини ҳал этиш билан боғлиқдир.

Кредит ресурслари тақчиллигига келсак, ушбу муаммо кескинлигини юмшатиш учун микромолиялаш секторини ривожлантиришни рағбатлантириш, авваламбор, фермер ва деҳқон хўжаликларининг банк микрокредитлари, жумладан, имтиёзли фоиз ставкалари бўйича олиш имкониятини кенгайтириш зарур. Негаки, эркин бозорда микромолиялаш ташкилотларининг фоиз ставкаси чорвадорлар учун ғоят юқори. Ердан фойдаланиш ҳуқуқини қайта сотиш имкониятига оид ҳуқуқий базани такомиллаштириш, шунингдек, ушбу ҳуқуқлардан кредит олишда кафолат сифатида фойдаланиш кредит ресурслари тақчиллиги муаммосини ҳал этишга ёрдам беради. Гап шундаки, қишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи қонуний бозор етарли даражада шаклланмаган бугунги кунда қишлоқ хўжалик ходимларининг ерни гаровга қўйиш орқали кредит олиш имкониятлари чекланган. Аграр секторни кредит билан таъминлашнинг айнан ушбу шакли бутун дунёда кенг тарқалган.

Айни пайтда, хўжаликлар кўламини кенгайтириш муаммосининг яна бир жиҳати – материал ресурслар ва хизматлардан фойдаланиш борасидаги қийинчиликлар ҳам бор. Чорвадорлар учун озуқалар, биринчи навбатда, омухта ем, шунингдек, зотдор чорва молларини сотиб олиш катта муаммо ҳисобланади. Талаб юқори бўлган, аммо, тўлиқ кўрсатилмаётган хизматлар орасида маҳсулотни сақлаш ва қайта ишлаш хизматлари мавжуд. Мамлакатимизда чорва моллари сонининг кўпайишини, жумладан, чорвачилик хўжаликлари кўламини кенгайтириш орқали ҳар томонлама рағбатлантирмоқда. Бу вазифани, аввало, қуйидагилар ҳисобидан ҳал қилиш режалаштирилмоқда:

- шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида чорвачилик билан шуғулланаётган қишлоқ аҳолисига иш билан бандлик мақомини бериш;
- қишлоқ жойлардаги кам таъминланган ва кўп болали оилаларга бепул қорамол бериш;
- озуқалар, ветеринария ва чорвачилик тармоғи учун мўлжалланган бошқа хизматлардан фойдаланишни яхшилаш;
- ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларининг қорамол сотиб олишини енгиллаштириш учун имтиёзли микрокредитлаш имкониятини кенгайтириш.

Чорва маҳсулотлари, жумладан, гўшт ва сутга давлат буюртмаси 1994 йилда тўлиқ бекор қилинган. Бу хўжаликларга ўз маҳсулотларини бозор нархларида эркин сотиш имконини беради. Сўров шуни кўрсатдики, фермерларнинг қарийб 50 фоизи сут, қарийб 40 фоизи қорамол гўштини давлат бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотларга – шифохоналар, болалар боғчалари, мактаблар, фахрийлар уйлари ва бошқаларга сотади. Сотининг яна бир муҳим йўли бозордир. Фермерлар кутилгандан ҳам кўра камдан-кам ҳолларда ўз маҳсулотларини улгуржи олиб сотадилар, хусусий харид фирмаларига сотади. Бу эса сотиш инфратузилмаси ривожланмаганидан далолатдир. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нархининг пастлиги ва транспортировка қилишнинг қийинлиги сотиш йўлларида катъий назар умумий муаммо ҳисобланади.

Чорва маҳсулотларини ўзида қайта ишлаш муаммолари. Чорва маҳсулотларини хўжаликларнинг ўзи қайта ишлаш амалиётини кенгайтириш маҳсулот турини кўпайтириш, демак, хўжаликларни тижоратлаштириш ва сотиш ҳажмини ошириш имконини беради. Айни пайтда, 2014 йилги сўров шуни кўрсатадики, айрим деҳқон хўжаликларигина чорва маҳсулотлари, асосан сутни қайта ишлайди. Оддий операция йўли билан қайта ишланган сутдан асосан қатик, қаймоқ, творог, сариёғ тайёрланади. Мураккаб қайта ишлайдиган ускунанинг йўқлиги ва нархининг баландлиги (сўралганларнинг 49 фоизи), кўникма етишмаслиги (20 фоизи) ва сотиш имкониятларининг чеклангани (25 фоизи) туфайли қўлланилмаяпти. Чорвадор-фермерларнинг 15,3 фоизи ўзи ишлаб чиқарган ва сотиб олган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш билан шуғулланади. Асосан сут (қайта ишлаш билан шуғулланаётганларнинг 86,6 фоизи), гўшт (20,9 фоиз), жун (6 фоиз) қайта ишланмоқда.

Сўров иштирокчилари аксарият фермерлар қайта ишлаш билан шуғулланмаётганининг сабаблари орасида қуйидагиларни айтди:

- ускуна сотиб олиш имконининг йўқлиги;
- ускунанинг ҳаддан зиёд қимматлиги;
- коммунал хизматлар кўрсатишда узилишлар (электр, сув, газ) қайта ишлаш билан шуғулланиш имконини бермаслиги.

Таъкидлаш жоизки, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш тармоғининг етарлича ривожланмагани билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш учун чоралар кўрилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги “Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги 1047-Қарори буни тасдиқлайди. Ушбу ҳужжатга кўра, сут ва гўштни қайта ишлаш билан шуғулланадиган ишлаб чиқарувчиларга қўшимча имтиёзлар бериш, жумладан, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловини 50 фоизга камайтириш кўзда тутилган.

Бугунги кунда “Холдор ота” фермер хўжалигида чорвачиликни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган қуйидаги муаммолар мавжуд:

1. Озуқа экин майдонларидан унумли фойдаланиш ва экинларининг ҳосилдорлик даражасининг пастлиги;
 2. Ем-хашак ўрим-йиғим техникаларининг етишмаслиги;
 3. Наслчилик ишларининг талаб даражасида йўлга қўйилмаганлиги;
 4. Наслли мол тайёрлаб сотиш ва четдан наслли моллар келтиришнинг камайганлиги;
 5. Тўла қамровли зооветеринария хизмати кўрсатилмаётганлиги;
 6. Зооветеринария пунктларининг жиҳозланиш даражаси талабга жавоб бермаслиги;
 7. Кредит ресурслари билан етарли даражада таъминланмаганлиги.
- Келгусида чорвачиликни ривожлантириш қуйидаги йўналишлар билан биргаликда олиб борилиши мақсадга мувофиқ:

1. Зооветеринария хизматлари:

- Табиий ва сунъий уруғлантириш
- Чорва молларнинг озуқа базасини яхшилаш;
- Чорва молларни жойлаштириш ва ер майдонлари билан таъминлаш;
- Чорва молларнинг эпидемик касалликларига қарши курашиш (чўчка гриппи, парранда гриппи, сибир яраси);
- Емлаш ишларини олиб бориш
- Профилактика ишларини олиб бориш (бир жойдан бошқа жойга кўчирганда, яйловларга олиб чиққанда туёқ остини дорилаш);
- Чорва молларнинг бошқа турли касалликларига қарши курашиш

2. Чорвачиликда ахборот консалтинг хизмати

- Рацион тузишда (чорва моллар зотига, турига, ёшига, жойлашганлигига, оғирлигига қараб);
- Чорвачиликда маҳсулдорликни оширишда;

- Чорвачилик маҳсулотларини реализация қилишда;
 - Бозор конъюнктурасини ўрганиш;
3. Наслчилик ва селекция ишлари;
 4. Чорвачиликда техник сервис хизматларини кўрсатиш (муқобил МТП, транспорт хизмати, СИУ);
 5. Банк, суғурта, биржа ва бошқа бозор инфратузилмаси хизматлари.

3.2. Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлашни ривожлантириш йўллари

Кичик бизнес ва тадбиркорлик бу миллий иқтисодиётнинг таркибий қисмидир, унинг ривожланиши минглаб микродаражадаги жараёнларни ўз ичига қамраб олади. Шу сабабли уларни қўллаб-қувватлаш тизими ушбу жараёнларнинг барқарор тус олишини таъминлайди.

Тадбиркорлик ўзининг ижтимоий-иқтисодий вазифаларини бажара олиш учун унинг барқарорлигини мустаҳкамлаш лозим. Бу эса ўз навбатида муаммонинг ечими бўлиб, бунга мақсадли йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар ёрдамида эришиш мумкин. Бу чора-тадбирларни бажариш барча муаммоларнинг тўлиқ бартараф этишга олиб келмайди, балки уларнинг салбий таъсирини юмшатиш учун хизмат қилади.

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, биринчи томондан, давлат ва унинг фаолиятини тўлдириб турадиган жамоат ташкилотлари томонидан ишлаб чиқариш, тақсимот, илмий-техник ва бошқа турдаги алоқалар ёрдамида амалга оширилади, яъни йирик корхоналар билан кичик бизнес субъектлари кооперацияга киришадилар. Бундай қўллаб-қувватлашни интеграцион қўллаб-қувватлаш деб аталади.

Қўллаб-қувватлаш тизимининг субъектлари — давлат, жамоат ташкилотлари ва йирик корхоналар ҳар доим алоқада бўлади. Давлат томонидан ўтказиладиган сиёсат кичик ва йирик бизнес ўртасидаги интеграцияга ҳам таъсир ўтказади. Ўз навбатида, йирик бизнес ҳам давлат томонидан шакллантириладиган инфратузилмани ривожланишига ўз хиссасини қўшади.

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгандан сўнг республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш энг қулай маконга айлантириш учун мамлакатимиз Президенти ва ҳукумат томонидан кенг қамровли ва катта ишлар амалга оширилди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни шакллантириш ва ривожлантириш, айниқса ўтиш даврида, давлат томонидан юритилаётган иқтисодий сиёсатга бевосита боғлиқдир.

Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда давлат олдида иккита вазифа туради. Биринчидан, давлат кичик бизнес ривожлантиришга барқарор, самарали ва бошқараладиган тус беришдир. Бу тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш учун ҳуқуқий муҳитни яратиш ҳамда назорат қилувчи структураларни яратишдир. Иккинчидан, кичик тадбиркорликни моддий, ахборот ресурсларини, давлат буюртмаларини тақдим этиш ва турли хил хизматларни кўрсатишдир. Давлат томонидан шу иккита вазифани бажариши давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тушунчасини англатади.

Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш сиёсати, авваламбор, шу жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий стратегияси ҳамда олдида турган вазифалар ва мақсадларидан келиб чиқади.

Маълумки, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлардан кўзда тутилган пировард мақсад - ижтимоий йўналишларга барқарор бозор иқтисодиётига, очик ташқи сиёсатига эга бўлган кучли демократик ҳуқуқий давлатни ва фуқаролик жамиятни барпо этиш деб белгиланди. Шу мақсаддан келиб чиқиб, жамиятни иқтисодий, сиёсат ва ижтимоий ривожланиши асосий йўналишлари белгиланган.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда иқтисодиётни эркинлаштириш мақсадида бир қатор йўналишлар устувор этиб белгиланди.

Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларнинг асосий йўналишларидан бири доимий равишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бўлиб келган. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида эса айниқса, фермерликнинг аҳамияти янада ошди. Ўзбекистонда фаолият қилаётган давлат дастурлар, имтиёзлар тузуми кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш сиёсати протекционистик сиёсат амалга оширилмоқда дейиш мумкин.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича республикаимизда иқтисодчи олимлар томонидан қатор илмий тадқиқотлар

олиб борилиб, ижобий натижаларга эришилган. Биз кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланишида асосий омиллардан бири бўлган кичик бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадли тузилмасини мамлакатимиз ва хориж тажрибаларига таянган ҳолда ички ва ташқи омиллар, шунингдек қатор муносабатлар мажмуини ўзида сақловчи механизмни қуйидаги расмда акс эттиришга ҳаракат қилдик (4-расм).




4-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш механизми

Юқорида келтирилган расмдан кичик бизнес ва тадбиркорлик

ривожланишини молиявий механизми 4 та асосий таркибдан, яъни бюджет механизми, солиқ, кредит ва ўз-ўзини молиялаш механизмларидан иборат бўлар экан. Демак, иқтисодиётнинг барча тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш биринчи навбатда уни молиявий қўллаб-қувватлашга боғлиқ, десак муболаға бўлмайди.

Яна шуни таъкидлаш мумкинки, жаҳон тажрибасига таяниб, бизнинг фикримизга кўра, қўллаб-қувватлаш тизимини шакллантириш ва ривожлантиришнинг асосий йўналишларига энг муҳим аҳамият касб этувчи йўналишлар яъни - ҳукукий муҳитни шакллантириш, институционал ўзгаришларни амалга ошириш, тадбиркорлик маданиятини ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини меҳнат, молиявий, моддий, ахборот ва ишлаб чиқариш жараёни учун зарур бўлган бошқа турдаги ресурслар билан таъминлашда ҳам давлат бевосита ўзининг “Бош ислохотчилик” функциясини амалга ошириши асосий шартлардан ҳисобланади. (5-расм)



5-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб қувватлаш йўналишлари

Шу йўналишлар билан бир каторда қўллаб-қувватлаш сиёсатининг сифатига таъсир қиладиган асосий унсур бу жамоат ташкилотларидир. Улар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари манфаатларини ўзида мужассамлаб, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш сиёсатини ижобий томонга ўзгаришга олиб келиши мумкин.

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаганда давлат томонидан ўтказиладиган сиёсатнинг асосий инструменти бўлиб давлат дастурлари ҳисобланади.

Таҳлил натижалари кўрсатмоқдаки, Давлат дастурларини шартли равишда қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

а) Республика дастурлари

-худудий - маъмурий дастурлар

-худудий дастурлар

-туман даражасидаги дастурлар;

-худудлараро дастурлар

б) тармоқ бўйича дастурлар;

- махсус худудий дастурлар

- ижтимоий-йўналтирилган дастурлар

в) Ихтисослашган дастурлар.

Ўзбекистонда ҳам давлат сиёсатини амалга оширишда асосий восита бўлиб давлат дастурлари ҳисобланади. Кичик бизнесни ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган биринчи дастур 1995 йил 28 августдаги 344-сонли қарорига илова тариқасида қабул қилинган. Дастурнинг бош мақсади қуйидагилар ҳисобланади.

- аҳолининг кенг табақаларини бозор фаолиятига олиб кириш, боқимандалик, истеъмол психологиясини бартараф қилиш, тадбиркорлик, хусусий бизнес билан шуғулланиш истаги “касаллиги” юқтириш:

- қишлоқ хўжалиги қайта қурилаётган муносабати билан ишсиз қолган кишиларни иш билан таъминлаш мақсадида янги иш ўринларини ташкил этиш;

- кишлоқда бозор муносабатлари ва инфратузилмаларини жадал ривожлантириш, рақобатни ривожлантириш учун шарт-шароитларни таъминлаш;

- хизматлар ҳажмини айниқса банк аудиторлик воситалик фаолияти билан боғлиқ талаб қиладиган хизматлар ҳажмини кескин ошириш;

- хўжалик юритиш самарадолигини оширишда ички бозорни керакли товарлар билан тўлдиришни ва ишлаб чиқаришнинг экспортга йўналтирилганлигини таъминловчи унчалик катта бўлмаган мослашувчан ишлаб чиқаришлар кичик ва хусусий корхоналарни жорий қилиш.

Ўзбекистонда бу дастурдан ташқари 2000 ва 2001 йилларда кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бир йиллик чора-тадбирлар мажмуи ишлаб чиқилган эди, лекин 2011 йилга келиб Президентимиз И.А.Каримов томонидан 2011 йилни “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилингач, кичик бизнесни ривожлантиришга доир чора-тадбирларнинг мақсади ва вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланади:

- кичик ва ўрта бизнес субъектлари фаолият олиб бориш учун қулай муҳитни яратиш ва уларнинг ялпи миллий маҳсулотдаги улушини барқарор ўсишини таъминлаш, фаолият юритаётган кичик ва ўрта бизнес субъектларини сонини кўпайтириш ва шу орқали янги иш ўринларини кўпайтириш:

- банклардан ташқари муқобил молиялаш манбаларни ривожлантириш низом жамғармасига бюджетдан ташқари жамғармаларнинг мақсадли ресурсларидан маблағ ажратиш ҳисобига кичик бизнес субъектларининг дастлабки сармоя жамғармаларини тузиш;

Бу мақсад ва вазифаларни бажариш мақсадида бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида қуйидаги йўналишлар белгиланади:

- 1) Тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш ва кредит ресурсларини ва инвесторларини кўпайтириш;

- 2) Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ресурслар

билан таъминлаш ва уларга хизмат қиладиган инфратузилмани ривожлантириш;

3) Кичик бизнес субъектлари учун кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантириш;

4) Кичик бизнес корхоналарини ташкил этиш меъёрий ҳуқуқий базасини такомиллаштириш каби тадбирлар белгиланган.

Келгусида, Ўзбекистонда моддий ишлаб чиқариш, жумладан тўқимачилик, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш соҳаларида кичик бизнес субъектларини сони янада ошиши лозим. Ўрта ва йирик корхоналар нафақат ўзларида қолдиқ, яъни чиқинди маҳсулотларидан товар ишлаб чиқарувчи кичик корхоналарни қуриши, балки молиявий кўмак бериш йўли билан бошқа ҳудудларда, айниқса қишлоқ жойларида уларнинг кўпайишини рағбатлантиришлари лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 2014 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида: - ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг улуши 2000-йилдан буён 31 фоиздан 56 фоизга ўсганлиги, таъкидланди.

2015 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг энг муҳим устувор йўналишлари сифатида қуйидагилар айтиб ўтиш лозим.

Биринчидан, мамлакатимизнинг барча минтақаларида бизнесни ривожлантириш учун янада қулай ишчан муҳит яратиш, тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнесга янада кенгроқ эркинлик бериш, бюрократик тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш лозим.

Шу муносабат билан тадбиркорлик фаолияти муҳитининг қандай ҳолатда экани, бунинг учун зарур шарт-шароитларни яратиш ва бу

фаолиятни амалдаги ривожланиш суръатлари барча даражадаги ҳокимликлар фаолиятини баҳолашнинг асосий мезонига айланиши даркор.

Бош пракуратура кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молиявий хўжалик фаолиятига ҳар қандай ноқонуний аралашувни иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича давлат сиёсатига қарши қаратилган ҳаракат сифатида кўриб чиқиш ва ҳуқуқбузарларга нисбатан қонунчиликка мувофиқ жавобгарлик нормаларини кўллашни амалга ошириш лозим.

Иккинчидан, Вазирлар Маҳкамаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тартибга соладиган қонун ҳужжатларини танқидий таҳлил қилиш вазифасини амалга ошириш зарур.

Эскирган, сунъий равишда ўйлаб чиқарилган ва кўпинча ҳеч кимга кераги бўлмаган чеклов ва таъқиқловларни бартараф этиш, давлат ва назорат органларининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молия хўжалик фаолиятига аралашувини янада кескин камайтириш даркор.

Учинчидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг кредитлар, хомашё ресурслари, шунингдек, давлат харидорлари тизимидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш зарур.

Марказий банк тижорат банклари билан биргаликда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредитлар ажратиш, биринчи навбатда, инвестиция мақсадлари учун узоқ муддатли кредитлар ажратиш механизмларини янада такомиллаштириш ва уларнинг ҳажмини ошириш, бошланғич капитални шакллантириш, микрокредитлар бериш кўламини кенгайтириш борасида ишларни давом эттириши лозим.

Ўзбекистон банклар ассоциацияси тижорат банклари билан ҳамкорликда Инвестиция бўйича лойиҳа ҳужжатлари тайёрлашни молиялаштириш жамғармасини ташкил қилиш зарур. Бу эса кичик бизнес субъектларининг бизнес режаларини тайёрлаш сарф-харажатларини камайтириш, уларнинг сифатини ошириш ва кредитлар бериш муддатларини қисқартириш имконини яратади.

Тўртинчидан, биз кичик бизнеснинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш учун зарур ташкилий, ҳуқуқий, молиявий механизм ва шароитларни туғдириб беришимиз керак.

Кичик корхоналар учун ташқи савдо операцияларини расмийлаштиришдаги ортиқча ички процедураларни бартараф этиш, кичик бизнес соҳаси маҳсулотларини экспорт қилиш борасида қўшимча преференциялар бериш зарур. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда таъкидлаш лозимки, иқтисодиётни модернизациялаш ва эркинлаштириш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун давлатимиз томонидан амалга оширилаётган қўллаб-қувватлаш ишлари ўз самарасини бериб, уларнинг миллий иқтисодиётдаги мавқеи ва ўрнини мустаҳкамлаш учун хизмат қилмоқда.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Битирув малакавий иши мавзуси доирасида олиб борилган изланишлар натижаларига таянган ҳолда қишлоқ хўжалигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича қуйидаги хулосалар ва таклифлар тайёрланди:

1. Тадбиркорлик бизнеснинг бир тури бўлиб, фойда олиш мақсадида капитал бошқа иқтисодий ресурслардан фойдаланишни бошқаришга асосланган товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятида содир бўладиган иқтисодий муносабатларни ифодалайди. Кичик бизнес ва тадбиркорлик иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи куч ҳисобланади. У маълум мақсадга қаратилган фаолият бўлиб, аниқ шахслар хатти-ҳаракатида намоён бўлади. Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишда ташкилий асосларни соддалаштириш, ҳуқуқий-меъорий ҳужжатлардан самарали фойдаланишда кадрлар салоҳиятини ошириш, тарихий ва илғор тажрибалардан фойдаланиб, ишни ташкил этиш зарур;

2. Иқтисодиётнинг стратегик йўналиши, шу жумладан аграр соҳада жамият ва фан олдига ишлаб чиқаришнинг мунтазам ривожланишини таъминлайдиган янгича иқтисодий муносабат ва ғояларни қарор топтириш, иқтисодни бошқаришни тубдан қайта ислоҳ қилиш, янгича хўжалик юритиш усулларини доимо излаб топиш ва уни амалий кундалик ҳаётга тадбиқ қилишни талаб қилмоқда;

3. Аграр соҳа тармоқларида кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришга таъсир кўрсатувчи қатор омиллар мавжуд бўлиб, бу омилларни тўртта асосий гуруҳларга яъни: ресурс омиллари, ишлаб чиқариш омиллари, ташкилий омиллар ва сиёсий ва ҳуқуқий омилларга бўлиниши асосланган. Бизнинг фикримизча, ушбу келтирилган омилларнинг ҳеч бирини бирламчи даражали, яна бирини эса иккиламчи аҳамиятга эга дейиш ноўрин бўлади албатта. Лекин, ҳозирги давр талабидан келиб чиққан ҳолда кўпроқ эътиборни иқтисодий омилларга қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади, деб ҳисоблаймиз;

4. Аграр соҳада фермер хўжаликлари кичик бизнеснинг типик вакили сифатида шаклланди. Лекин, улар фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш тизимида ҳам қатор муаммолар мавжуд. Мавжуд муаммоларни ҳал этиш учун фермер хўжаликларида маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, маҳсулот бирлиги ҳисобига табиий, моддий-техник, меҳнат за молиявий ресурслар сарфини камайтириш, уларни ресурслардан самарали фойдаланганлик учун рағбатлантириш ва ишлаб чиқариш жараёнларини модернизациялаш бўйича амалга ошираётган ишларини рағбатлантириш механизмларини такомиллаштириш зарур;

5. Фермер хўжаликларига фақат маҳсулот етиштириш ва ички бозорни маҳсулот билан тўлдириш эмас, балки:

- фермер етиштирган маҳсулотини жаҳон бозори андозалари даражасида қайта ишлаб, ташқи бозорларга чиқиши;
- чекка ҳудудларда фаолият кўрсатаётган фермер ва тадбиркорларнинг экспорт қилиш имкониятларини ошириш, уларни зарур ахборотлар билан таъминлаш, жумладан замонавий, ихчам ускуналар ва мини технологиялар билан таништириш ишларини ривожлантириш;
- кичик бизнес ва хусусий корхоналар ва фермерларнинг ўзлари етиштирган, қайта ишланган саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини стандартлаштириш ва сертификатлаштириш борасида мавжуд ва кераксиз бўлган ортиқча расмийчилик ҳолатларига чек қўйиш, улар фаолиятининг ҳуқуқий асосларни янада такомиллаштириш керак;

6. Қўрғонтепа туманидаги “Холдар ота” фермер хўжалигида ялпи маҳсулот ҳажмини ишлаб чиқариш ҳаражатларига нисбатан устун даражада етказиш эвазига иқтисодий самарадорликни ошириш имкониятлари мавжуд.

7. Хўжаликда эришилган рентабеллик ҳозирча оптимал даражадан паст, лекин бу соҳада олиб борилаётган ишлар тўла амалга оширилса, рентабеллик даражаси оптимал даражага етади ва фермер хўжалигида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни белгиланган суръатларда амалга ошириш учун зарур бўлган молиявий маблағларга эга бўлиш имкониятини беради.

8. Қўрғонтепа туманидаги “Холдар ота” фермер хўжалиги аъзоларининг ишлаб чиқариш бўйича иш тажрибалари талаб даражасида, лекин уларни касбий тайёргарлиги ва маълумоти тўғрисида бундай хулосага келиш мумкин эмас. Фермер хўжалиги таркиби ҳали талаб даражасидан анча паст. Шунинг учун хўжалик раҳбарияти ишчиларни касбий тайёргарликка ва ишлаб чиқариш тажрибасига эга бўлган ходимлар ҳиссасини кескин ошириш чора-тадбирларини кўриши лозим.

9. Хўжаликда моддий-техника ресурслари учун сарфланувчи ишлаб чиқариш харажатларининг таркиби яхшилашга ҳам алоҳида эътибор бериш лозим. Бунда моддий харажатларнинг улушини ошишига ва улар таркибини яхшиланишига эътиборни кучайтириш зарур.

10. Хўжаликда узоқ муддатли ижарага олинган ер участкасининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, минерал ва маҳаллий ўғитлардан самарали фойдаланиш ҳамда деҳқончилик маданиятини ошириш асосида тупроқ унумдорлигини мунтазам ошириб бориш чораларини кўриш лозим.

11. Истиқболда фермер хўжалигида қўшимча асосий воситаларни олиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш технологиясини ташкил этиш ҳамда бу жараёнга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этилишига ҳам эътиборни кучайтириш зарур. Бу фермер хўжалигини иқтисодий жиҳатдан мустақиллигини ошириш учун зарур бўлган молиявий маблағлар билан таъминланиши имкониятини беради.

12. Чорва молларнинг эпидемик касалликларига қарши курашиш (чўчқа гриппи, парранда гриппи, сибир яраси) чора-тадбирларини янада жонлантириш лозим.

13. Фермер хўжалигида сут етиштириш бўйича эришилган рентабеллик даражаси ҳали оптимал даражадан анча паст бўлиб, уни камида 20-30 фоизга кўтариш лозим. Чорва маҳсулотларини хўжаликларнинг ўзи қайта ишлаш амалиётини кенгайтириш маҳсулот турини кўпайтириш, демак, хўжаликларни тижоратлаштириш ва сотиш ҳажмини ошириш имконини беради. Айни пайтда, чорва маҳсулотлари, асосан сутни қайта ишлаш керак.

Оддий операция йўли билан қайта ишланган сутдан асосан қатик, қаймоқ, творог, сариёғ тайёрлаб сотиш мумкин. Шу асосда янги иш ўринларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари.

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: Ўзбекистон, 2014.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик тўғрисида”ги қонуни. Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 2 сон. Т.: 1992.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш тўғрисида” ги қонуни Ўзбекистон Республикаси қонун ва фармонлар. Т.: Ўзбекистон, 1996.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида” ги қонуни. // Халқ сўзи, 1998 й. 1 май.
5. Ўзбекистон Республикаси “Деҳқон хўжалиги тўғрисида” ги қонуни. // Ж: Солиқ тўловининг журнали. 1998.-№7-8., Б. 22-26.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 мартдаги ПФ-3226-сонли “Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида” ги Фармони. //Халқ сўзи. 25 март 2003 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида” ги фармони. //Солиқлар ва божхона хабарлари. 2003 йил. № 48.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5-январдаги 8-сонли “Қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори. //Халқ сўзи. 2002 йил., 6 январ.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 30 августдаги ПФ-3305-сонли “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 апрелдаги “Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида ”ги Фармонига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” ги Фармони. //Халқ сўзи. 2003 йил. 1 сентябр.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 10 сентябрдаги 366-сонли “Кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликларини маблағ билан таъминлаш, уларга божхона имтиёзлари бериш, банк хизматлари ва бошқа хизматлар кўрсатиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарори. //Халқ сўзи. 2001 йил. 11 сентябр.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли “2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида” ги қарори. //Халқ сўзи. 2003 йил. 1 ноябр.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 август 357-сонли қарорига 1-илова “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида Низом”. //Халқ сўзи. 2003 йил. 21 август.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва мажбуриятлар бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори. //Солиқлар ва божхона хабарлари. 2003 йил № 39.-10 б.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари.

- 1.Каримов И. А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.:Ўзбекистон., 1995.
- 2.Каримов И. А. Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Т.: Ўзбекистон. 1995.
3. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т.: Ўзбекистон, 1999.
4. Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. Т.: Ўзбекистон, 2000
5. И.А.Каримов. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. Т.: Ўзбекистон, 2010. - 56 б.

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2014 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурни энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш - устувор вазифамиздир” мавзусидаги маърузаси. //“Халқ сўзи” газетаси 2015 йил 18 январ.

4. Асосий адабиётлар.

7. Абдуганиев А., Абдуганиев А.А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. (дарслик)-Т.: ТДИУ, 2004.

8. Абдурахмонов Қ., Бойев Х. Бозор иқтисодиёти шароитида фермер хўжаликлари. -Т.: Билим, 1992.

9 Абдулқосимов Х.П. Хусусий кичик тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг иқтисодий муаммолари. Т.: ТошДТУ. 1998 й.

10. Абдуллаев Ё. Бозор иқтисодиёти асослари. Т.: Меҳнат, 1997.

11. Абдуллаев А., Исроилов Р. Кичик ва ўрта бизнесни бошқариш. Т.: Меҳнат, 1999 й.

12. Бозоров Т., Нажмитдинов С., Турсунов А. Дехқон ва фермер хўжаликларида шартнома муносабатлари. Т.: Шарқ. 2000 й.

13 Беркинов Б., Жўрабоев И, Омонов О. Кичик корхоналар фаолиятини ташкил этиш ва юритиш асослари. Т.: Ўқитувчи, 1999.

14. Ғуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. Т.: Шарқ, 2002.

15. Кулмонов А.А. Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ижтимоий-иқтисодий муаммолари. Автореферат. Т.: 2004.

16. Салимов Б.Т., Хамдамов К.С ва бошқалар. Дехқон ва фермер хўжаликлари иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. Т.: ТДИУ., 2002.

17. Саматов Ғ.А., Ёдгоров Ж.Ё., Рустамова И.Б. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни ташкил этиш. Дарслик. Т.: 2005.
18. TESIS Узтеф. Фермер хўжалиги менежменти. Т.: Ўзбекистон. 2000 й
19. Фармонов Т.Х. Фермер хўжаликларини ривожлантириш истикболлари. Т.: Янги аср авлоди. 2004.
20. Фермерлик фаолиятининг ҳуқуқий ва молиявий асослари. Муаллифлар жамоаси. Т.: Университет. 2005.
21. Чориев Қ., Хушматов Н. Деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолиятини ривожлантириш. Т.: Шарқ., 2002.

5. Қўшимча адабиётлар

23. Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. Т.: Меҳнат. 1995.
24. Усмонов С.Н., Дадабоев Ю.Т. Бозор иқтисодиёти асослари. Ўз. ТФА., Т.: Фан, 1999.
25. Умурзоқов У.П., Тошбоев А.Ж. Фермер хўжалиги иқтисодиёти. Т.: Иқтисод-молия. 2008 й.
26. Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент. Дарслик. Т.: Ўқитувчи. 2001.
27. Язык Бизнеса. Термины. Т.: ИПК “Шарқ”. 1996.
28. J. Paul Peter James H. Donnily. K – Marketing management knowledge and skills- 1995 year.
29. Harper W. Boy D. JR Orville C. Walker. JK. Kan-Clfude larecce-1995. year.

6. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар.

1. Абатуров В., Саматов Г ва бошқалар. Финансовая поддержка молодого и среднего бизнеса: мировой опт. Экономическое обозрение. №15 (15). 2008.
2. Азизова М. Кичик ва ўрта бизнес муаммолари. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси №1-2, 2009.
3. Набиев Х. Фермер хўжаликларининг афзалликлари //Ж: Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 2013. -№3. Б, 17-19.

4. Пардаев М., Шодиев Т., Исроилов Ж. Тадбиркорлик фаолияти эркинликлари кафолатлари. //Ж: Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. - 2003. №1-2, Б, 35-36.
5. Хусанов Р.Х., Жураев А.М. Аграр ислохот иқтисодиётни юксалтиришнинг асосий шарти. //Ж. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси.-2003. №6., Б, 6-7.
6. Қутлиқов М.. Дехқон (фермер) хўжаликларини ривожлантириш истиқболлари. //Ж. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси.-2003. №4, Б, 50.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари. Қисқача статистик тўплам. Т.: 2014.
8. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги маълумотлари. Т.: 2014.
9. Ўзбекистон иқтисодиёти. Таҳлилий шарҳ. 2004 йил. Самарали иқтисодий сиёсат маркази. № 9. март 2010.
10. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил статистик ахборотномаси. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси. Т.: 2014.
11. Андижон вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг маълумотлари. 2012-2014 йиллар.
12. Қўрғонтепа туманидаги “Холдар ота” фермер хўжалиги маълумотлари. 2012-2014 йиллар.

7. Интернет сайтлари.

www.press-service.uz

www.gov.uz

www.stat.uz

www.minfin.uz

www.agro.uz

www.google.uz